Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◉ № 34 (6. 823) ◉ 1989 йил 10 февраль, жума ◉ Баҳоси 3 тийин

Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмасининг қолипловчиси, меҳнат ветерани Владимир Дмитриевич МАРКОВ.

Замондошимиз

Р. Шарипов фотоси.

Дўст билан обод уйинг

БИР ОИЛА ФАРЗАНДЛАРИДЕК

Қадимги донишмандлардан бири
Дўстликдадир обрў, кучимиз,
Шу дўстликни олқишлайлик биз,
деган экан. Дарҳақиқат ана шу сўзлар замирида қанчадан-қанча маъно бор! Бинобарин, қўлга киритаётган ютуқларимизнинг ҳаммаси турли миллат кишиларининг ўзаро дўстлиги, аҳиллиги, бир-бирига меҳр-оқибатининг ширин меваларидир. Тошкент тўқимачилик комбинатида бўлганимизда бу фикрларнинг тўғрилигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдик.

◉ Сочлари оппоқ, заҳматкаш, қўллари меҳнатда тобланган ушбу аёлни фабриканинг каттаю кичиги бағоят ҳурмат қилади. Бунга у ўзининг ҳалол ва фидокорона меҳнати эвазига эришган. «Турчаниновлар ишчи сулоласининг типик вакилидир», —дейишади улар ҳақида сўз кетганда фабрика ишчилари. Мария Кондратьевна пенсияда бўлса ҳам қадрдон коллективини асло тарк этгиси келмайди, чунки бу ерда у бахт топди. Ана шунинг ўзи мордва аёли учун чинакам бир саодат эмасми!!

◉ Казбек Гулдаев бир-бирига туташиб кетган тоғлар ўлкасининг вакили. Қардош Грузиядан Тошкентга келиб меҳнат қилаётганига ҳам анча бўлиб қолди. Осетин миллатига мансуб бўлган бу йигитнинг оиласини интернационал оила деб аташ мумкин. Чунки у рус қизи Татьянага муҳаббат қўйди, улар ўртасидаги ўзаро меҳр-оқибат, севги-садоқатга ҳамма ҳавас қилади. Ҳозирги пайтда мастер ёрдамчиси бўлиб ишлаётган Казбек Гулдаев 1989 йил топшириқларини шараф билан бажариш йўлида жонбозлик кўрсатмоқда.

◉ Бошқирд қизи Мавлуда Ҳасанова ҳақида бу ердагилар оғзиларидан бол томиб гапиришади. Меҳнат фаолиятини 1975 йили ўровчиликдан бошлаган Мавлуда кейин нормаловчи, сўнгра мастер, кейинчалик цех бошлиғи даражасигача бўлган йўлни босиб ўтди. Коллектив унга юксак ишонч билдириб, КПСС сафига қабул қилди. Эндиликда у касаба союз комитети раисининг ўринбосаридир. Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтини муваффақиятли тугаллаган Мавлуда марксизм-ленинизм кечки университетида ўқимоқда.

◉ Ён қўшнимиз, жон қўшнимиз бўлган Тожикистон ССРда юз берган табиий офатдан ҳаммамизнинг қалбимиз ларзага келди. Шу кунларда барча совет халқи тожик биродарларимизга қардошлик қўлларини чўзган. Кучли зилзила бўлган ўша оғир кезларда Манзуранинг ороми йўқолди. Ахир у тожик қизи-да. Шу боисдан ишда ўзини кўрсатишга ҳаракат қилиб, топшириқларни ортиғи билан адо этиш, Тожикистонга ёрдам кўрсатиш фондига баҳоли қудрат ҳисса қўшиш унинг ҳам эзгу нияти бўлди.

Мана азиз дўстлар, биз фотомухбиримиз Рустам Шариповнинг кўп минг кишилик коллективнинг биргина ип-йигирув фабрикасидан суратга туширган тўртта миллатга мансуб ҳамшаҳарларимизнинг ишларидан сизларни хабардор қилдик. Гапимизни қадимги донишманднинг дўстлик ҳақида айтган ибратли ҳикоятидан бошлаган эканмиз, уни яна буюк хазинамиз бўлмиш дўстлик ва қардошлик ҳақидаги донишмандларнинг айтган сўзлари билан мухтасар этмоқчимиз.

◉ Дўстлик қанчалар хилма-хил имтиёзларни ўзида жамлаган! Қаёққа қараманг, у сизнинг хизматингизда; у ҳамма жойда муҳайё; у ҳеч вақт жонингизга тегмайди, у ҳеч қачон шунчаки бир сабабсиз келмайди, у муваффақиятларга янгича мазмун бахш этади, у кўмаклашганда ҳар қандай омадсизликлар ҳам анча сусаяди.

Цицерон.

◉ Дўстлар дийдоридан ортиқ қувонч, фироқидан ортиқча ғам йўқ.

Рўдакий.

◉ Ака-ука дўст бўлолмаслиги мумкин, лекин дўст — ҳамиша ака ва ука.

Б. Франклин.

◉ Узбек ва туркман халқлари ўртасидаги азалий дўстлик ва қардошлик алоқалари ҳақида ҳикоя қилувчи публицистик мақолани газетанинг 2-саҳифасида ўқийсиз.

XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси материаллари

КПСС XIX Бутуниттифоқ конференцияси стенография қилинган ҳисоботининг иккинчи томи босмадан чиқди.

Унга делегатларнинг нутқлари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг партия конференцияси ёпилишида сўзлаган нутқи, резолюцияларнинг текстлари, бошқа материаллар киритилган.

(ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ МАКЕДОНИЯДА БЎЛИШИ

БЕЛГРАД, 9 февраль. ТАСС мухбири Владимир Дмитриев хабар беради:

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов бошчилигидаги Македонияда меҳмон бўлиб турган Ўзбекистон Компартияси делегациясини Македония Социалистик Республикаси Президиумининг Раиси Ездимир Богданский, шунингдек Македония Социалистик Республикаси мажлиси (парламенти) раиси Вулнет Старова қабул қилдилар.

Самимий дўстона вазиятда ўтган суҳбатлар чоғида Ўзбекистон билан Македония ўртасидаги ҳамкорлик муваффақиятли ривожланаётганлиги, бу республикалар ўртасида қора ва рангли металлургия, химия, тўқимачилик, кўнчилик ва озиқ-овқат саноати ҳамда қишлоқ хўжалиги каби турли соҳаларда бевосита хўжалик алоқаларининг ўрнатилиши муҳим эканлиги таъкидланди.

Томонлар кооперациялаш, ихтисослаштириш ва қўшма корхоналар бунёд этиш, бошқа мамлакатларнинг бозорларида биргаликда товар сотишдек ҳамкорликнинг замонавий шаклларини ўрнатиш лозимлиги хусусида гапирдилар.

Илмий ва маданий-маърифий соҳаларда алоқаларнинг муваффақиятли ривожланаётгани мамнуният билан қайд этилди. Шунга кўра, Ўзбекистонда Македония поэзияси антологияси ўзбек тилида нашр этилиши маълум қилинди.

Скопледа Ўзбекистон ССР билан Македония Социалистик Республикаси ўртасида 1989—1990 йилларда иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш программаси имзоланди.

Совет Иттифоқидан келган меҳмонлар Македония фан ва санъат академиясига, Скопледаги радио-телевидение марказига бордилар.

Сешанба куни Ўзбекистон Коммунистик партияси Тошкент шаҳар комитети билан Македония Коммунистлар Союзи Скопле шаҳар комитети ўртасида 1989—1990 йилларда ҳамкорлик программаси имзоланди.

Истеъмол буюмлари манзурми?

АҲОЛИ ТАЛАБИ—МЕЗОН

4-цех «Ташкимсельмаш» заводининг халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқариладиган асосий участкасидир.

— Матбуот саҳифаларида, радио, телевиденіеда иттифоқимиз, республикамиз, шунингдек шаҳримиздаги корхоналарда такомиллашган ишлаб чиқариш техника воситалари ўрнатилаётгани, улардан фойдаланилаётгани ҳақида эшитиб қоламан. Бу автомат машиналарнинг қўл меҳнатини камайтириши табиий. Ана шунда ўзимизнинг цехимизни ўйлаб кетаман, — деди биз билан суҳбатда цех бошлиғи Владимир Леонидович Вославский. — Айрим ишларни бажариш осон, жуда майда иш. Бироқ механизмга юклашнинг имкони йўқ. Цехимизда 16 турда маҳсулот тайёрланади. Рўзғор учун қасқон, кастрюлка, хўжалик халтаси, мис чойнак, турли хил сумкалар ва бошқа турдаги товарлар бор. Ишнинг асосий қисми қўл кучи билан бажарилади.

Кичкинагина цехимизда 250 га яқин киши меҳнат қилади. 11 бригадага бўлинган. Шу йил 1 январдан хўжалик ҳисобида ишлаяпмиз. Ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш учун даромадни янада оширишимиз зарур. Бунинг учун эса цехимизни реконструкция қилиш керак. Ишлаш учун шароит етарли эмас.

Цехнинг ҳозирги аҳволи анча ноқулай. Шунинг учун ҳам завод раҳбарлари мавжуд эски биноларни капитал ремонт қилиб, замонавий усулда қайта қуришга қарор қилишди. Ҳозир реконструкция ишлари кетяпти.

Коллектив ўтган йилги план топшириқларни ортиғи билан уддалади. Маҳсулот ишлаб чиқариш планга нисбатан 103,5 процентни ташкил этди.

— Ҳозирча ишчиларимизнинг асосий қисми бир сменада ишлашяпти. 10-15 процентгина киши иккинчи сменага чиқади. Келгусида ҳар иккала смена тўлиқ йўлга қўйилади. Ана шунда йилига 7 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга эришамиз, — деди цех мастери М. Исфандиёрова.

— Кейинги пайтларда қайси янги турдаги буюмлар ишлаб чиқаришга жорий этилди?

— Аҳолининг талабига қараб маҳсулот турини янгилаб боряпмиз. Яқинда турли хил шакл берилган сочга тақиш учун аёллар тўғноғичини тайёрлай бошладик. Шунингдек, чармдан ва беқасамдан тикилган рўзғор сумкаларига талаб катта бўляпти. Металл буюмларга бўлган эҳтиёж ҳам ортяпти.

Яхши маҳсулотга эҳтиёж ошаверади. Аммо харидорлар қиммат бўлса ҳам сотиб олишга мажбур бўлиб қоладилар деб рўзғорда кенг қўлланиладиган буюмлар нархини ошириб юбориш инсофдан эмас. Биз бу ўринда ҳамма айбни корхонага ағдармоқчи эмасмиз. Маҳсулотга қўл меҳнатининг кўп сарфланиши унинг таннархини ошириши равшан. Механизмдан фойдаланишни ким хоҳламайди дейсиз?

Лекин ўша техника воситаларининг ўзи йўқ бўлса-чи? Корхонада қўл меҳнати жуда секинлик билан камаймоқда. Айниқса, халқ истеъмоли буюмларини ишлаб чиқариш бундан 20-30 йил илгариги ҳолатни эслатади. Ишлаб чиқаришни механизациялаштириш, машиналаштириш учун мутасадди ташкилотлар, конструкторлар чўқурроқ мулоҳаза юритишлари керак. Корхоналарда эса ихтирочилик таклифларига кенг ўрин бериш керак, деб ўйлаймиз.

С. ШАМСИЕВ.

АХБОРОТ

Китобсеварлар учун аукцион

Тошкент шаҳар комсомол комитети ташаббуси билан ташкил этилган китоб аукционида фақатгина республика ёки иттифоқ эмас, балки чет эл ҳамда шарқ классик адибларининг асарлари ҳам ўрин олди.

Замон талабига мослашган, чиройли ва тартибли муқоваланган китоблар қайси бир муҳлисининг дилига йўл топмайди, дейсиз. Аукцион ташаббускорлари ҳам энг аввало шу нарсага эътиборларини қаратдилар.

«Алишер Навоий» деб номланган мақолалар тўплами 1946 йилда чоп этилган бўлиб, XV аср Ҳирот адабий муҳитида улуғ шоирнинг тутган ўрни ҳақида батафсил маълумотлар беради.

П. Барановнинг 1956 йилда босилиб чиққан совет-француз ботаникларининг Гвинея ороли илмий экспедициясига бағишланган китоби «Тропик Африка» номи билан машҳур.

Китобсеварлар эътиборини тортадиган ана шундай асарлардан бири В. Массоннинг «Ўрта Осиё ва Қадимий Шарқ» китоби ўтмишда Ўрта Осиёнинг Қадим шарқ халқлари билан олиб борган маданий алоқалари ҳақида ҳикоя қилади.

Пойтахтимизда илк бор ташкил этилган бундай кўргазма ёшлар маънавий оламининг бойиб боришида хизмат қилади.

Счётли соат

Тошкент подшипник ремонти заводи коллективи СССР аграр саноатини зарур эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш билан бир қаторда халқ истеъмол буюмлари тайёрлашга ҳам алоҳида эътибор беришмоқда. Жумладан ҳимоя кўзойнаклари, ҳар хил боладар ўйинчоқлари тайёрламоқда. Шунингдек, боғча ёшидаги болалар учун счётли соат ишлаб чиқарила бошланди. Бу корхонанинг янги маҳсулотидир.

Зиё маскани

Шаҳримизнинг М. Горький проспектида ўлка медицина илмий-тадқиқот институтининг янги корпуси қад ростлади.

Объектни 159-трестга қарашли 70-қурилиш бошқармасининг Владимир Смеклов бошчилик қилаётган комплекс бригадаси аъзолари бунёд этишмоқда.

Графикдан ўзиб ишлаётган бу коллектив бинода умумий қурилиш ишларини ниҳоясига етказди. Ҳозир объектда пардозлаш ишлари жадаллик билан олиб борилмоқда.

Д. ОБЛАЕВ.

Янги ўзбек фильмининг кўриги

◉ Кеча киночилар уйида ўзбек киноустаҳаларидан бири—истеъдодли режиссёр, Ўзбекистон ССР халқ артисти, СССР ва Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотининг лауреати Элёр Эшмуҳамедовнинг янги «Дард» («Шок») фильмининг кўриги бўлиб ўтди.

Бу фильм ўтган йили Комил Ёрматов номидаги «Ўзбекфильм» киностудиясида суратга олинган эди.

Элёр Эшмуҳамедов ўзининг ҳар бир янги фильми билан — хоҳ у ҳужжатли кино бўлсин, хоҳ у бадиий картина бўлсин томошабинларнинг чуқур меҳрини қозонган режиссёрлардан.

Икки қисмдан иборат бу янги фильм у яратган саккизинчи картинадир.

Фильм республикамиздаги турғунлик йилларининг оғир оқибатлари ҳақида бўлиб, ўша йиллардаги даврнинг аянчли ярасига қарши кураш софдил кишиларнинг қийин шароитда ўзларининг ўзбек пахтасини «оқ» қилиб кўрсатиб юрган, лекин қилмишлари қора одамлар билан мардонавор кураши заминида мужассамланган. Биз фильм премьерасидан сўнг унинг режиссёри Элёр Эшмуҳамедовга бир неча саволлар билан мурожаат қилдик.

— Янги фильмингиз ҳақида икки оғиз сўзлаб берсангиз.

— Ҳозирги ҳаётимизда шундай бир давр етилиб келдики, энди оқни қора дейиш уят. Ҳеч бир муаммодан кўз юмиб бўлмайди. Картина мана шу бор ҳақиқатни айтишга асосланган. Биз турғунлик деб аталган йилларда бор гапни айтолмай кўп нарсаларни ютқазиб қўйдик.

Бу кино бизнинг жамиятимиз ахлоқига ёт бўлган, ҳаётимизда иллат бўлган элементларга қаршидир. Унда енгил-елпи ҳаётга ўрганган ёшларимизнинг маънавияти ошкора кўрсатилган.

— Фильмнинг экран юзини кўриши осон бўлдими!

— Йўқ. Баъзи қарши фикрларга дуч келиб, бир йил киностудия жавонида ётди. Яхшиямки, бахтимизга Малик Қаюмов ва унга ўхшаш ҳақиқий кино жонкуярлари бор экан. Мана энди фильм ўз йўлини топди. Ёшлар унда айтилмоқчи бўлган фикрларни англаб олишади.

Бу фильм ўз даврига нисбатан дебоча. Биз уни «Дард» деб атадик. Унда давр, жамият дарди айтилган. Кўплар ундаги қаҳрамонларни республикамизнинг баъзи бир собиқ раҳбарларига ўхшатишади. Мен Одилов, Каримовларни кўрмаганман, лекин уларга ўхшаганлар характерини яратдим.

Биз бу картинада Ўзбекистондаги камчиликлар антологиясини йиғмоқчи бўлганимиз йўқ, лекин кўрганларингдан кўз юмиш уят. Биз шундоқ ҳам кўп нарсаларни ютқазиб қўйдик, кўнглимиздагини айтолмай...

1985 йилда фильм сценарийсининг биринчи вариантини ёзган эдик. 1986 йилда баъзи жойларини ўзгартиришга тўғри келди. Чунки давр ҳам шиддат билан ўзгараётган эди.

— Фильмни яратишда қийинчиликлар ҳам бўлдими?

— Узр, жавоб бермасам. Илгарилари бундай саволларга яхшилаб жавоб бериларди. Баъзи жойларини суратга олишимизга рухсат беришмади. Рости, ҳеч ким ҳалақит бермади-ю, ёрдам қўлини ҳам чўзмади.

Фильм ҳақида Ўзбекистон Кинематографиячилар союзи правлениесининг биринчи секретари, СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофотининг лауреати Малик Қаюмов шундай деди:

— Бу фильм ўтган йилнинг энг яхши чиққан картинаси бўлди. Чунки Элёр совет киночилари ичида энг талантли режиссёрлардандир. Унинг ҳар бир киноси етук бадиий фильм сифатида ажралиб туради. Бунисида эса алоҳида шижоат кўрсатди.

Фильмдаги бош ролларни актёрлардан Рустам Саъдуллаев, Мурод Ражабов, тожикистонлик актриса Фарида Мўминовалар ўйнашган.

Фильмга Даврон Абдуллаев операторлик қилган.

А. ДАМИНОВ.

26 март—СССР халқ депутатлари сайлови куни

Давр руҳига мос

Бундан бир неча йил илгари маҳаллий Советларга сайловлар арафасида маҳалламиз клубида бўлажак район Советига депутат билан сайловчилар учрашуви ўтказилди. Расмий таништувдан сўнг депутатга наказлар бердик. Улар орасида боқча қурилишидан тортиб то ветеранларнинг уйларига телефон ўтказиб беришгача бўлган юмушлар бор эди. Депутат сўровларимизнинг ҳаммасини синчковлик билан ён дафтарига қайд этди. Охирида сўз олиб «Ҳамма айтганларингиз бекаму-кўст бажарилади», деди комил ишонч билан. Йиғилганлар, роса ишчан депутатга йўлиқибмиз, дея хурсанд бўлишди. Лекин менинг кўнглим нимадандир тўлмагандек эди. Айниқса йиллаб амалга ошмай келаётган боқча қурилишини тезда бошлаб юборилишини ўйлаб ўйимга ета олмасдим. Ахир бундай катта ҳажмдаги қурилишнинг ўзи бўладими? Аввало бу ҳақда мутасадди ташкилот ёки район раҳбарлари билан келишмай туриб олдиндан ваъда бериш қандай бўларкин, деган саволлар мени чулғаб олди. Яна ким биладн, балки унинг ишончи комилдирки, ваъда бергандир, дея ўзимга тасаллн бердим. Ўша учрашувдан ҳозирга қадар боқча қурилиши у ёқда турсин, ҳатто майда-чуйда наказлар ҳам бажарилмай қолди. Хўш, шундан кейин депутатнинг сўзига ким ишонсин?!.

Бу хусусда сўз юритилаётганининг боиси бор, албатта. Ҳозир жойларда бўлажак СССР халқ депутатлари сайловига қизғин тайёргарлик бормоқда. Бу босқичнинг биринчи давраси тугалланиб, иккинчисига қадам қўйилди. Маълумки, бу даврда сайлов округидан СССР халқ депутатлигига кўрсатилган номзодларни муҳокама қилиш ва номзодларни рўйхатга олишга тақдим этиш учун округ сайловолди йиғилишлари ўтказилади. Йиғилишда ҳар бир номзод ўзининг келгусидаги депутатлик фаолияти программасини баён этиши, йиғилишнинг ҳар бир қатнашчиси эса номзодларга ва уларнинг программаларига ўз муносабатини билдириши мумкин.

Яна бир муҳим масала. Депутатликка номзодларни тавсия этишда янглишмаслик зарур. Кўрсатилган номзодлар давр билан баробар қадам ташлайдиган, умумхалқ иши учун қайғурадиган, сайловчиларнинг оғирини чинакам енгил қиладиган кишилар бўлсин.

Қ. ЗОКИРОВ,
Киров районидаги Ғ. Абдуллаев номли маҳалла комитетининг раиси.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ ҚАРОРИ

Ўрни бўшаган депутат ўрнига 398-сайлов округи бўйича йигирманчи чақириқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советига сайловлар ўтказувчи округ сайлов комиссияси составини тасдиқлаш тўғрисида

«Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советларига сайловлар тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонунининг 54-моддасига мувофиқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети қарор қилади:

1. Йигирманчи чақириқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советига сайловлар ўтказувчи округ сайлов комиссияси жамоат ташкилотлари ва меҳнат коллективларининг қуйидаги вакилларидан иборат составда тасдиқлансин:

Округ сайлов комиссияси раиси

Ринат Хасанович **Баймашев**, инженер диспетчер — В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси меҳнат коллективидан.

Округ сайлов комиссияси раисининг ўринбосари

Юрий Николаевич **Юрьев**, БТЗ бошлиғи — В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси меҳнат коллективидан.

Округ сайлов комиссияси секретари

Клавдия Павловна **Малахова**, йиғувчи-слесарь — В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси меҳнат коллективидан.

Округ сайлов комиссияси аъзолари:

Николай Иванович **Агеев**, парчинловчи-йиғувчи — В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси меҳнат коллективидан;

Николай Яковлевич **Бурдонов**, парчинловчи-йиғувчи — В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси меҳнат коллективидан;

Сергей Павлович **Цой**, парчинловчи-йиғувчи — В П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси меҳнат коллективидан;

Валерий Николаевич **Шапетьев**, йиғувчи-слесарлар бригадири — В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси меҳнат коллективидан.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси
Ҳ. ҒУЛОМОВ.
Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг секретари
В. МАНАСТИРЕТСКАЯ.

КПСС Марказий Комитетининг миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш масалаларига бағишланган Пленуми олдидан

Дўст билан обод уйинг

«О, қандай гўзалсан, юртим!..»

Публицистика

Бундан роппа-роса ўн саккиз йил бурун биринчи марта қардош Туркманистонга борган эдик. Поёнсиз Қорақум устидан учиб ўтаётганда қандай ҳислар уйғонганини ҳозир аниқ эслайман. «О, туркман қардошим! Шундай олисларда яшайсанми? Қара, чексиз-чегарасиз чўл-а! Худди поёнсиз дов-дала ўртасига ташланган қадимги паҳлавонга ўхшайсан-а!» Шу заҳоти «Время» ахборот программасида ҳар куни (ҳар фаслда!) бериладиган об-ҳаво маълумотлари хаёлимга келганди: ёзда Туркманистонда 45-50 даража иссиқ бўлади! Иккиуч марта Тошкентда ҳарорат 42-44 даражага кўтарилганда Анҳор бўйларида, соя-салқин жойларга қочиб аранг жон сақлаганимиз ёдимга тушади, айни пайтда муттасил юқори ҳарорат, жазирамага дов-дарахтсиз қоқ чўл ўртасида бардош бериб келаётган дўстларимга ҳам ачинаман, ҳам ҳайратланаман! Ачиниш сабаби уларнинг «чеки»га Болтиқ, Кавказ бўйлари эмас, балки шу жойлар тушгани бўлса, ҳайратланишимнинг бонси — туркман қардошларимнинг ғоятда табиатан сабр-матонатли кишилар эканига тан берганимда!

Ашхободга етиб борганимда менда яна бир ҳис пайдо бўлди: бир кўришда ёқтирган одамингизга: «Истараси жуда иссиқ экан!» дейсиз-а? Ашхободнинг истараси ҳам унинг обҳавосига ўхшаш жуда иссиқ экан. Худди қизларига ўхшаб. Жуда иссиқ, ироли, иффатли. Шаҳарнинг қоқ ўртасида узун, миллий кўйлакда улар сувда сузиб юрган эрка қушларга ўхшаб кетишади!

Ўшанда Туркманистоннинг кўплаб далаларини — пахтазору ғаллазор, мевазору токзорларини кездик. Менда шундай бир тасаввур туғилди: биз болалигимизда эртакларда ёвуз девлар билан, ёмон кучлар билан олишиб, уларни енгган алпқомат баҳодирлар ҳақида ўқиганмиз. Туркман биродарларимизнинг табиат офати билан асрлар бўйи олишиб, уни ўз изимга бўйсундириб келаётган ўша афсонавий азаматлардан асло кам жойлари йўқ.

Бунга яқинда Туркманистонда бўлганимда яна бир бор ишонч ҳосил қилдим ва кўнглимдан қўйидаги ўйлар ўтди. Ўтмиш ва ҳозирни, ўзбек ва туркман халқлари алоқаларини, уларнинг бир-бирларига қанчалар чатишиб кетганлигини ўйлаб, қувондим, дилим бирам яйради. Бунга айниқса Ашхобод, Маридан ўтиб, Чоржўйга, ундан Хоразмга ўтганимиз сайин тобора қаттиқроқ ишонч ҳосил қилдим. Буни қаранг-да, ўзбек халқининг севимли хонандаси, бутун Хоразм ҳофизи бўлган Комилжон Отаниёзов туркман ашулаларини нақадар қиёмига етказиб ижро этган! Ҳозир унинг ўзбек ва туркман шогирдлари саноғига етиб ҳам бўлмайди. У ажойиб туркман шоири, халқ дардини куйлаб ўтган Маҳтумқулининг республикамиздаги биринчи ташвиқотчиси бўлганди. Ва ниҳоят бу буюк ўзбек қўшиқчиси Туркманистон ССР халқ артисти унвонига ҳам сазовор бўлганидан нега фахрланмайин?

Бу ўзбек ва туркманнинг бир китобнинг икки саҳифаси эканлигини яққол кўрсатмайдими?

Ёки хушовоз хонанда Бобомурод Ҳамдамовни олайлик. Асли туркман фарзанди бўлган бу ўзбек Раж Капури бутун Ўзбекистоннинг ҳам энг севимли қўшиқчилари қаторида туради. Унинг ўнга яқин фарзандларининг ярми саводини туркманча, ярмиси эса ўзбекча чиқарганини камдан-кам одам билса керак. Ўзбек халқи эъзозлаб, нозик санъатини юқори баҳолаб, унга Ўзбекистон ССР халқ артисти фахрий унвонини берди. У классик ижрочиликнинг ажойиб устаси! Асли ўзи Туркманистон ССРда хизмат кўрсатган артист эди у. Саттор Жуманазаров-чи? Асли туркман фарзанди бўлган бу киши ҳам Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист.

Бу туркман ва ўзбекнинг бир дарёнинг икки соҳили эканидан ёрқин далолат эмасми?

Биргина менинг эмас, ўнлаб китобхонларнинг жавонлари тўрида Маҳтумқули ва Мулланафас китоблари турибди. Кўплаб туркман зиёлилари, шу жумладан, Маҳтумқулининг ўзи ҳам Хива мадрасасида таълим олган. Ўзбекистонда туркман миллий мактаблари бор. Туркман миллий ансамблари ҳам мавжуд. Қорақалпоғистон АССРнинг Тўрткўл, Беруний, Манғит районларида ҳамда Шовотда ана шундай мактаблар ва миллий ансамбллар ишлаб турибди. Бугина эмас, туркман йигит ва қизлари ўзбек ва қорақалпоқ матбуотида — Нукус, Беруний, Тўрткўл ва Шовотда бирга ишлашаётганидан ҳам аллақандай хушнуд кайфиятда қалам сураман...

Бу ўзбек ва туркман халқлари икки кўздай бир-бирига қондошу жондошлигининг бир белгиси эмасми?

Мен Сирдарёда балиқ овлаб, Амударёнинг муздек сувида чўмилганман. Уни Жайҳун деб бежиз атамаган халқларимиз. Асов отдек пишқирган, савлатли девдай кучли бу дарёни ўзбек ва туркман халқларинигина эмас, уларнинг ерларини ҳам бир-бирига боғлаб турган олмос камарга ўхшатгим келади!

Айтишларича, қадим-қадимда ўзбек ва туркманнинг ота-онаси бир бўлган экан. Ҳарқалай, эллар ичида шундай гап юради.

XII асрда мўғул галаларидан ўзбек тупроғи—Хоразмни биринчи бўлиб ҳимоя қилган ҳам туркманлар бўлади! Ажойиб, талантли ёзувчи Явдат Илёсовнинг ўша мўғул босқинчилари лашкарбошиси Чингизхон ҳақида ёзган романида икки халқ фарзанди Жалолиддин образи бор. У ҳақда озарбайжон фарзанди Шайхзода ўзбек тилида «Жалолиддин Мангуберди» номли тарихий драма ҳам ёзган эди.

Булар бир қарашда кечаги тарихдай туюлади, аммо бу ўзбек ва туркманнинг, қолаверса, бутун Ўрта Осиё халқларининг азалдан ака-укадек қон-қариндош эканлигини англатмайдими?

Келинг, ҳадеб ўтмишдан сўз юритавермай, бугунги икки халқнинг қувонч ва ташвишлари ҳақида ҳам сўзлайлик. Кейинги уч-тўрт йил ичида хизмат тақозоси билан Жиззах ва Сирдарё чўлларида кўп юришга, кўп одамлар билан суҳбатда бўлишга тўғри келди. Энг тоза сув Зоминдан чиқади, деб эшитгандим. Шу Зоминда денг, алоҳида туркман қишлоғи ҳам бор экан. Бу ерда ҳатто туркман билан ўзбек қуда-анда, қавму-қариндош бўлиб кетган экан.

Туркманистоннинг Тошовуз, Мари ва Чоржўй областларида истиқомат қилаётган не-не онлалар нон-тузини тотмадим, дейсиз. Нақадар ўзбеклар сингари меҳмондўст бу туркман қардошларимиз. (Шу ердаги кўплаб хонадонлар Хоразм областининг Хива шаҳридан қиз олиб, қиз берган экан!)

Бугунги кунда ўзбекнинг ташвиши туркманнинг ҳам ташвиши бўлиб қолди. Тилимнинг учида турган гапни тоғдингиз:

— Орол!

У бугун ҳамма-ҳамманинг — рус, ўзбек, қозоқ, туркман, тожик, қирғиз ва бошқа миллатларнинг ягона муаммосига айланган. Демак, сезяпсизми, у ҳамма-ҳаммани бирлаштириб турган регион «ўқи» экан! Шу ўқ теварагида айланаётганди бизнинг она-табиат. Энди эса у қуриб бораётир, она-табиатни шўр босаётир, қисқаси, Орол чўкаётир, бунда эса не-не дилларга ғам чўкаётир! Шу сабабли уни қутқариб қолиш бугун ҳаммамизнинг бурчимиз. Биз бу билан улуғ, яхлит дўстлигимиз, қардошлигимизни ҳам асраб қолган бўламиз! Мен қанчалик ҳақман ёки йўқ, билмадим, агар Берди Кербобоев ҳаёт бўлганида, У Тошкент давлат университетида ўқигани, биз, ўзбекларнинг нон-тузи ҳурмати Оролнинг шўр босган, бўм-бўш, қуриқшаган, хом теридек оқариб кетган соҳилларига қайноқ кўз ёшларини тўккан бўларди, оловли сатрлари эса қоғоз саҳифаларига қўрғошиндек қуйилган бўлур эди!

Қорақум каналининг бугунги аҳволичи? У ҳам Оролдек сизу биздан нажот кутяпти. У ерда ҳам тилсиз экология «Эвоҳ!» демоқда.

Ахир, булар барчаси туркману ўзбек халқларининг она-табиатнинг Ҳасан—Ҳусан фарзандлари эканлигидан далолат бермайдими?

Нимасини айтай, халқимизда Ҳасан йиғласа, Ҳусан ҳам кўз ёши қилади, Ҳасан севинса, Ҳусан ҳам қиқирлайди, деган гап бор. Табиатнинг қалтис ҳазилини қарангки, 1948 йили (яъни барча рақамларни қўшсангиз — 22) Ашхободни она-табиат қаттиқ бир силкитиб ўтди, 1966 йилда (яъни барча рақамларни қўшсангиз — 22!) — Тошкентда она-табиат шу «бачкана» қилиғини такрорлади. Аммо халқларимиз унинг қалтис ҳазилига «жавоб бердилар». Ашхободда Тошкент уйлари, Тошкентда Ашхобод уйлари ўша кунлардан бир хотира бўлиб қолди! Ундан кейинги йиллардаги саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, адабиёт, маданият, санъат ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлик, борди-келдиларимизчи! Мен бу ўринда Улуғ Ватан уруши даврида II Украина фронтида алоҳида ўзбек-туркман ўқчи полки тузилганини, ҳар икки халқдан бир неча Совет Иттифоқи Қаҳрамони чиққанини ва бошқа жуда кўп мисолларни келтириб ўтмадим.

Буларнинг жами ўзбек билан туркманнинг доимо бир майизни иккига бўлиб еганини ифода этмайдими?

Туркманистондан қайтар эканман, бу заҳматкаш халқнинг рамзига айланган чўгирма ҳеч кўз олдимдан кетмасди. Қўй терисидан тикилган бу миллий қалпоқни кийган туркманларни оқ билакли зодагонлар мазаҳ қилишган. Аммо 45—50 даража ҳароратдан туркман қардошларимиз бошларини офтоб уришдан сақлаш мақсадида қадимдан ана шу чўгирмани кийганлар (иссиқда бир терлаб, кейин бошни муздек тутгани учун!). Яна туркман қардошларимизнинг бошини неча-неча йиллардан бери омон сақлаб келаётган — бу, қуёш ҳароратидан ҳам юқори халқларимиз ўртасидаги дўстликдир, десам асло муболаға бўлмайди!

Самолёт Тошкентга келиб қўнганда, гапнинг рости, кўзларим чақнаб кетди. У кўзимга бениҳоя иссиқ кўринди! Шу пайт бир нарса ёдимга тушди. Ашхободга боришда ёнимда Афғонистонда ўз интернационал бурчини ўтаб қайтаётган бир туркман йигити ўтирган эди. Ўзбекистоннинг боғ-роғларга бурканган хушманзара жойларидан ўтиб, Қорақум саҳроси узра учиб бораётганимизда иллюминаторга, «О, қандай гўзалсан, юртим! Ўз юртим барибир кўзимга оловдек кўринади!» деб юборди...

Ўз юртини севган ва эъзозлаган ўзгаларни ҳам севади ва эъзозлайди, деган гап бор. Туркман дўстим, сенга ўз юртинг доим ёр бўлсин!

Ҳамид ИКРОМОВ,
«Тошкент оқшоми»нинг махсус мухбири.
Тошкент—Ашхобод — Тошкент.

Ипаклари тиллодан...

Репортаж

Қиш палласида чечаклар очилиб турган гулзорни кўрганмисиз? Агар бадиий буюмлар фабрикасининг попопчилик цехига кирсангиз ана шундай манзарани кўрасиз. Палакларга тикилаётган ранго-ранг гуллар чаманзорни эслатади. Чеҳраларидан нур, қалбларидан ғурур ёғилиб турган аёлларнинг табассуми-чи?..

Бу цехда попопчилик санъати билан Иттифоққа танилган аёл, республикада хизмат кўрсатган маданият ходими, Ленин ордени соҳибаси, Бутуниттифоқ ва Ўзбекистон Халқ ҳўжалиги ютуқлари кўргазмаларининг бир неча бор совриндори Саодат опа Тоҳирова меҳнат қилади.

Бизни Саодат опанинг ўзи қарши олди. Моҳир попопчи саломлашаркан тайёрланаётган маҳсулотлардан намуналар қўйилган залга бошлади. Шинамгина хона дид билан безатилган. Ўзбек халқининг асрлар бўйи давом этиб келаётган амалий санъатидан намуналар кўзингизни қамаштиради. Палакларда эрта баҳорда очиладиган хушбўй гуллардан тортиб, лўппи бўлиб очилган пахтанинг чаноғигача бор.

— Цехимизда палак, сўзана, зардевор, кирпеч, чойшаб ва бошқа миллий попопчилик буюмлари тайёрланади,— дейди С. Тоҳирова. — Уларга тикиладиган гуллар турини доим ўзгартириб турамиз. Мен ўзим республикамиздаги бир қатор қадимий шаҳарларда бўлганман. У ерда тарихий обидаларга битилган гуллар, тасвирларни палак, сўзаналарга кўчиришга ҳаракат қиляпмиз.

Кейинги йилларда янги келин-куёвлар хонасини безаш учун комплект совға тайёрлаяпмиз. Бунга эҳтиёж катта. Шунингдек, диван, каравотларга ёпиладиган чойшаблар ҳам кўплаб тайёрланяпти.

Ўтган йил цех коллективи ва умуман фабрика учун қутлуғ бўлди. Попопчилар 5 миллион 933 минг сўмлик ўрнига 6 миллион 92 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардилар.

Саодат опанинг ўзи тажриба участкасини бошқаради. Бу ерда янги турдаги маҳсулот ўзлаштирилиб, кейин цехга ўтказилади. Ҳозирги кунда тайёрланаётган 25 турдаги маҳсулотнинг асосий қисми С. Тоҳированинг ижодий изланишлари натижасидир. Экспериментал бригадада тажрибали попопчилар меҳнат қилишади. М. Дўсматова, М. Қосимова, Д. Ёқубовалар шулар жумласидандир.

— Муваффақиятга эришаётганлигимизнинг асосий сабаби, ишчиларимиз бир-бирларини тушунган ҳолда, бирдамлик билан иш юритишади, ўзаро кўмаклашишга одатланганмиз,— дейди С. Тоҳирова. — Янги технология, машина-механизмлар ҳам ишимизнинг олға боришида омил бўляпти. Яқинда Японияннинг «Чори» фирмасида ишлаб чиқарилган янги туркум попоп машиналарини ўрнатдик. Уларнинг одатдагидан фарқи шундаки, деярли шовқинсиз ишлайди, самарадорлиги эса 2 ҳисса ортиқ. Яна бир томони гуллар қаварик тартибда тикилади. Сўзана, палакларга тикилган гуллар бўртиб туради.

Цехда бригадалар ўртасида ўзаро мусобақа яхши йўлга қўйилган. Ўтган йилги натижалар бўйича И. Исоқова, Ҳ. Шоакбарова, М. Ғуломова каби илғорлар бошлиқ бригадалар байроқдорлик қилишди. Дастлабки ўн кунликда эса Маъмура Тошмуҳамедова етакчилигидаги попопчиларнинг қўли баланд келди.

Биз ишчиларнинг дам олиши, тушлик пайтида қандай ҳордиқ чиқариши билан қизиқдик. Кенг, ёруғ равонга гилам, палослар тўшалган. Бир томонда диван, юмшоқ ўриндиқлар қўйилган. Иккинчи томонда шахмат, шашка столи турибди. Тўрдаги сўрига хонтахта қўйилиб кўрпачалар тўшалган. Йўқ, бу хўжакўрсинга эмас экан. Шу орада тушлик ҳам бўлди. Овқатланиб келган ишчилар дам олиш залига киришди. Радиодан ёқимли куй таралади. Телевизорда ҳам қизиқ кўрсатув кўрсатиляпти.

Попопчилик цехида иш икки сменада ташкил этилган. Шунингдек, уй шароитида ишловчилар учун ҳам қулайлик яратилган. Юздан ортиқ аёллар уйда палак, сўзаналар тикиб беришади. Улар умумий маҳсулотнинг 25—30 процентини тайёрлашяпти.

Бу йил цех коллективининг мақсади янада улкан, улар камида 6 миллион сўмлик ўзбек миллий амалий санъати дурдоналаридан ишлаб чиқаришга бел боғлашган.

С. ШАМСИДДИНОВ.

Меҳнат келтирган шодлик

«Ўз ишининг устаси». Бу иборани ўзбек халқи азалдан қўллаб келади. Албатта, севимли касбининг жонкуярларини яна қандай сўзлар билан алқаш мумкин. Зотан, гоҳида баъзилар ана шундай мақтовлардан гарангсираб қолиши табиий. Лекин сиз суратда кўриб турган меҳнат пешқадами Александр Карев ундайлардан эмас. Мана бир неча йилдирки, «Ташсантехгазмонтаж» трестининг 3-монтаж бошқармасида Александр баҳоли қудрат меҳнат қилмоқда.

— Пешқадам бўлиш учун фақат меҳнат, меҳнат ва яна меҳнат қилиш керак, деб ўйлайман.

А. Каревнинг бу сўзларида меҳнатга бўлган меҳр-муҳаббат чексиз эканлигини илғаш мумкин. Дарҳақиқат, Александр каби меҳнат илғорларининг сафи кўпаяверса деймиз.

Меҳнат ҳақида, у келтирган олам-олам қувончлар ҳақида кўплаб гапирилган, ёзилган. Шу боис биз А. Каревга меҳнат келтирган қувончларни таърифлаб ўтирмаймиз. Фақат бир гап. Ҳаёт — оқар дарё. Ана шу дарёнинг тўфонлари, гирдобларини енгиш меҳнат пешқадами Александр Карев ва унинг дўстлари қўлида.

© СУРАТДА: пайвандчи А. Карев.

Т. Каримов фотоси.

Маҳалла қувончлари ваташвишлари

Аёллар намуна кўрсатишяпти

Собир Раҳимов районидаги Беруний номли маҳаллада хотин-қизлар Советининг фаолияти ҳақида доимо илиқ гаплар эшитасиз. Бу бежиз эмас. Негаки кейинги пайтда Советнинг активлиги ўсди. Жумладан СССР халқ артистлари Тамарахоним ҳамда Ҳалима Носировалар билан бўлган учрашувлар хотин-қизлар Советининг ташаббуси билан амалга оширилди. Бундан ташқари, маҳаллада шанбаликлар уюштириш, ҳарбий хизматдан қайтган йигитлар билан суҳбатлар, аёлларимиз пазандалик маҳоратларини синаш, ёш келин-куёвларни биринчи фарзандлари билан қутлаш кабилар анъана тусига кирган.

Маҳаллада 850 хонадон бўлиб, уларда мингдан зиёд аёллар истиқомат қилишади. Муҳтарама оналаримиздан икки киши Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, 16 киши Қаҳрамон она, 28 киши олимадир. Бундан ташқари, ўқитувчилар, медиклар, меҳнат ветеранлари бор. Хотин-қизлар Советининг йиғилишларида улар ўртасида олиб борилаётган оммавий-сиёсий ишлар, атеистик тарбия, маданий ҳордиқ ташкил этиш масалалари муҳокама қилинди.

Йиғилишда сўзга чиққан ТошДУ ўқитувчилари — фалсафа фанлари кандидати Марҳамат Қосимова, доцент Ўктам Домлажонова, шунингдек уй бекалари Раъно Раҳимбекова, Дилбар Рўзиевалар хотин-қизлар Совети иш планига ўзгартишлар киритишни, маҳалла комитетининг органи саҳифаларида «Солдатмактублари», «Қулги кошонаси» рубрикасини чиқариш, уй бекалари учун маҳаллада бичиш-тикиш, кулинария, машинкада ёзув курслари ташкил этишни таклиф этдилар. М. Қосимова эса кўчаларни, подъездларни ободонлаштириш, камчиликларга ҳушёрлик билан муносабатда бўлишни ҳамда маҳалла комитетига йигит ва қизларни кўпроқ жалб этишни таклиф қилди.

Ватанни севиш ана шундан бошланади, дейди халқимиз. Шундай экан, маҳалламизга меҳр қўйайлик.

І. МАЪҚУЛОВА,
ТошДУ студенти.

ЖАҲОН ШАҲАРЛАРИДА

ПЕКИН. Бу йил совет олий ўқув юртлари Хитойдан 600 га яқин илмий ходим, аспирант ва студент қабул қилади. ХХРнинг олий ўқув юртларида эса совет стажёрлари ва студентларидан 320 киши ўқийди, деб хабар берди Синьхуа агентлиги.

Маориф соҳасида Совет-Хитой алоқалари 1983 йилда қайта тикланди. Томонлар узоқ танаффусдан кейин дастлабки стажёрлар группаларини айирбошладилар. Совет-Хитой муносабатлари яхшиланиши билан иккала мамлакат ўртасида маориф соҳасидаги ҳамкорлик муттасил кенгайиб борди.

1985 йилда ўзаро ўқитувчилар юбориш қайта йўлга қўйилди. Бугунги кунда Хитой олий ўқув юртларида совет филологларидан 40дан ортиқ киши машғулотлар олиб бормоқда. Маориф ходимлари делегацияларини айирбошлаш кенгайтирилди.

Олий ўқув юртлари ўртасида бевосита алоқаларни йўлга қўйиш — Совет-Хитой ҳамкорлигининг яна бир муҳим жиҳатидир. Ҳозирги вақтда Москва Давлат университети билан Пекин университети, Ленинград политехника институти билан «Цинҳуа» (Пекин) политехника институти ўртасида шундай алоқалар йўлга қўйилган. Жами олий ўқув юртлари ўртасидаги алоқаларда ҳар иккала томондан тўққизтадан олий мактаб қатнашмоқда.

ҚОҲИРА. Кейинги кунларда Мисрнинг Ал-Миня ва Бени-Суэйф вилоятларида ҳукуматга қарши оммавий намойишлар бўлиб ўтди. «Ал-Вафд» газетасининг хабар беришича, намойишларнинг қатнашчилари студент ёшлар бўлиб, улар маҳаллий университетларда машғулотларни тўхтатиб қўйдилар ҳамда нарх-наво оширилаётганлигига қарши норозилик билдириб ва яқинда қамоққа олинган ўртоқлари озод қилинишини талаб этиб кўчаларга чиқдилар. Намойишчиларни тарқатиш учун ички ҳавфсизлик кучлари ташланди. Студентлар билан полиция ўртасида тўқнашувлар бўлиб ўтди, қамоққа олинганлар бор.

Ҳар иккала вилоятда кескин вазият сақланиб қолмоқда.



АНП агентлигининг хабар қилишига қараганда, ер юзидаги энг катта барометр Голландиянинг Делфт шаҳридаги технология институтининг физика кафедрасида ўрнатилган. Унинг баландлиги 12 метрга етади.

АНП—ТАСС фотоси.

ЛОНДОН. Олий даражада келишиб олинган Совет—Британия савдо-иқтисодий муносабатларини ривожлантириш узоқ муддатли программасининг амалга оширилишини олға силжитиш — СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Владимир Каменцев бошчилигида бу ерга келган делегация визитининг асосий мақсадидир. Делегация составида СССР химия саноати министри Юрий Беспалов, СССР Ўрмон саноати министри Михаил Бусигин, бошқа расмий кишилар бор. Британия министрликлари ва идораларининг раҳбарлари, бизнесменлар билан икки томонлама амалий алоқаларни кенгайтириш тўғрисида музокаралар олиб борилади. Делегация Британиянинг бир қанча фирмаларида бўлиб, у ерда ишлаб чиқариш ва аҳолига савдо хизматининг ташкил этилиши билан танишди.

ТУНИС. Бу ерда араб мамлакатлари «Еттилар комитети» уюшмасининг мажлиси бўлди. Исроил босиб олган араб территорияларидаги халқ қўзғолонини қўллаб-қувватлаш уюшма вазифасига киради. Мажлис қатнашчилари қабул қилган баёнотда Исроил босиб олинган ерларда Фаластин араб халқига нисбатан ўтказаётган сиёсат шафқатсиз тус олаётганлигига эътибор жалб этилади.

ЛАГОС. Нигерияда ҳукмрон қуролли кучлар кенгаши тарқатиб юборилганлиги эълон қилинди. Мазкур кенгаш 1985 йил 27 августдаги ҳарбий тўнтаришдан кейин мамлакатда олий ҳокимиятни қўлга олган эди. Кенгаш раиси, Нигерия президенти генерал Иброҳим Бабангида журналистларга ана шу ҳақда маълум қилди.

НЬЮ-ЙОРК: Арман халқи бошига тушган фожиани қалбига яқин олган америкаликлар зилзила жабрдийдаларига ёрдам кўрсатишни давом эттирмоқдалар. Бундан икки ой олдин оғир жароҳатланган 15 киши тушган самолёт Нью-Йоркдаги Ж. Кеннеди номли халқаро аэропортга қўнди. Бу кишилар орасида болалар ҳам бор. Улар Америка касалхоналарида даволанадилар, кўплари мураккаб хирургик операция қилинади. «Америкэйрс» жамоат ташкилоти барча харажатларни ўз зиммасига олди.

ШРИ-ЛАНКА: Жафокаш Шри-Ланка днёрида террорчиликнинг янги тўлқини авж олди. Деҳлига етиб келаётган хабарларга қараганда, сўнгги кеча-кундузда тамил, сингал террорчилари 14 кишини ўлдиридилар.

Мамлакатнинг жанубий районларида сингал экстремистлари ҳаракатлари кучайди. 9 киши, асосан ҳукмрон бирлашган миллий партия тарафдорлари тамил экстремистлари ҳуружининг қурбони бўлдилар.

КЛЕЙДОСКОП

«ОВЗЛИ КИТОБЛАР»

Германия Демократик Республикасининг Дрезден шаҳридаги одатдан ташқи кутубхона ташкил этилганига яқинда 35 йил бўлди. Мазкур кутубхонада 4,5 мингдан зиёд ёмдаги кассеталарга ёзилган «овозли китоб»лар сақланади. Улардан ёниш қобилиятининг мазаси бўлмаган китобхонлар фойдаланишади. Ҳар йили кутубхона фонди 110 номдаги янги асар бойитиб боради. Чемис ёзувчиси Томас Маннинг «Иосиф ва унг ака-укалари» роман тўпламнинг энг катта «овозли китоби» ҳисобланди. Уни тўла «ўқиб чиқиш» учун 79 соат рак бўлади. Михаил олоховнинг «Тинч Дон» романи эса 74 соат вомида тинглананади.

ЁҒОҲАН ЯСАЛГАН ҚУЙИНАКЛАР

Мана уч йилдирки, Бельгиянинг мўъжазгина бир фирмаси фанеранинг алоҳида навидан... кўзойнакнинг ёғоч гардишларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилган эди. Бундай гардиш ишлаб чиқариш технолияси ниҳоятда мураккаб бўлиб, 90 га яқин ҳар хил операцияларни, шу жумладан қўлда бажариладиган операцияларни ҳам ўз ичига олади. Шунинг учун бўлса керак, уларнинг нархи одааги металл ёки мугузда ясалган гардишларга раганда қимматорроқ. Шунга қарамай ана шундай ёғоч гардишли кўзойнакларга талаб сўнгги ойларда оғишмай ошиб бораяпти.

СУВДАГИ КИНОЗАЛ

Томоша зали очиқ ҳаводаги сув ҳавзасидан иборат бўлган кинотеатр Лос-Анжелесдан 56 километр шарқда жойлашган қўнғироқ боғнинг энг диққатсазовор томошаҳоналаридан бири бўлиб қолди. Кинотеатр 1200 томошанга мўлжалланган.

«Оқшом»га хатлар

Ҳалоллик

Яқинда ўғлим Совет Армияси сафида хизмат қилиб қайтди. Қувончимиз чексиз эди. Шу боис қариндош-уруғ, ёр-биродарларни йиғиб хурсандчилигимизни баҳам кўриш мақсадида йиғиб қўйган пулимни олиб бозорга йўл олдим. Қайтишда эса қўлимда юким бўлгани учун йўловчи машинани тўхтатдим. Уйга келганимда не кўз билан кўрайки, қолган пулим — 1,5 минг сўм йўқ эди. Қаерда олдирганимни ёки тушириб қолдирганимни билолмай дунёим қоронғулашиб ўтириб қолдим. Ахир, не-не умидлар билан йиққандим.

Хуллас, пулимдан айрилдим, дея жуда хафа бўлиб ўтирганимда эшик қўнғироғи жиринглаб қолди. Бориб очсам, халиги мени машинасида олиб келиб қўйган йигит турибди.

— Опажон, — деди у, — ҳали машинада пулингизни унутиб қолдирибсиз. Мана, санаб олинг.

Шодлигимдан ўзимни қўярга жой тополмай қолдим! Унга қайта-қайта раҳмат айтдим. Кейин билсам, бу йигитнинг исми-шарифи Илёс Саъдуллаев экан, шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармасининг автобазасида шофёр бўлиб ишларкан. Бу воқеани сизларга ёзишдан мақсадим Илёсжонга миннатдорчилик билдириш билан бирга орамизда ана шундай ҳалол ва поқ кишилар кўпаяверсин демоқчиман.

О. ИСОҚОВА.

Қош қўяман деб

1986 йил Тошкент шаҳар Советининг кузда бўлиб ўтган сессияси олдидан шаҳарда савдо ишини қандай яхшилаш мумкинлиги юзасидан меҳнаткашлар фикрини билиш учун «Тошкент оқшоми» газетаси орқали қилган мурожаатини ҳамма шаҳарликлар қатори Қорақамиш — 2/5 микрорайони аҳолиси ҳам мамнуният билан кутиб олганди. Ҳатто микрорайон аҳлидан тушган конкрет таклиф «Тошкент оқшоми» газетасида (14. X. 1986 йил) эълон ҳам қилинди. Бу таклифга кўра «Ташхлебторг»га қарашли фақат нон ва конфетлар билангина савдо қилаётган 57-магазин фаолиятининг қониқарсиз экани, ҳайҳотдек бу магазиндан рационал фойдаланиш учун «Райпищеторг» ихтиёрига ўтказиб, уни озиқ-овқатлар магазинига айлантириш фикри илгари сурилган эди. Яқинда бу магазин райпищеторг ихтиёрига ўтганини эшитиб микрорайон аҳолиси қувонишди. Бироқ бу қувонч узоққа чўзилмади. Тез орада магазин биноси кондитер цехи учун мўлжалланаётгани маълум бўлди.

Буни эшитиб аҳоли ҳайрон: меҳнаткашлардан таклифни шунинг учун сўрашганмиди! Наҳотки, халққа янада қулайроқ бўлсин учун бошқа товарлар билан ҳам савдо қилиш таклифини киритиб, лоақал нон олиб турган магазиндан ҳам маҳрум бўлиб қолдик! Наҳотки, фарзандларимиз мактабга боришларида кўча серқатновлигидан юрак ҳовучлаб ўтиришимиз етмаганидек, ҳар бир нарса учун уларнинг катта кўчага қатнашларига тўғри келса! Қош қўяман деб, кўз чиқариш билан баробар бу тадбирни қандай изоҳлаш мумкин.

Қорақамиш 2/5 микрорайони аҳолиси номидан:

А. ҲАБИБУЛЛАЕВ.

«Соатингиз йўқ...»

Мен 1988 йил 15 сентябрь куни Сергели районидаги 51-соат тузатадиган устахонага «Молния» маркали соатимни тузатиш учун топширдим. Уста менга «Техсложбитприбор»га жўнатаман, 26 сентябрда оласиз», деб № 003168 квитанция ёзиб берди ва 4 сўм 20 тийин тўлашимни айтди.

26 сентябрда борсам устахонада ҳеч ким йўқ, кейин яна 4 марта қатнадим, 12 октябрда уста ишлаётган экан, квитанцияни кўриб бир ҳафтадан кейин келинг, деди. 18 октябрда борсам, бошқа уста ўтирибди. Квитанция номерини ёзиб олиб, 3 кундан кейин келишимни айтди. 21 октябрь куни эса «Сизнинг соатингиз йўқ, олдинги устани топиб соатингизни ёки пулингизни оласиз, устанинг оти Величка» деди. Бироқ унинг қаерда яшашини ҳеч ким билмайди. Энди соатимга ва пулимга куйиб қолаётирман.

Қ. МАМАТКАРИМОВ.

Илм масканларида

ЎЗБЕК ТИЛИ ДАРСИДА

«Тил билган — дил биллади», деган ҳикматда катта маъно бор. Кўп миллатли Ватанимизда она тилимиздан ташқари икки-уч тилни ўрганиш ҳаёт тақозоси бўлиб қолмоқда. Мактабларимизда рус, ўзбек, тожик, қозоқ ва бошқа тилларни ўқитишга катта аҳамият берилаяпти. Республикамизда маҳаллий миллатлар тилларида ўқитиладиган мактаблар ишлаб турибди. Ўзбек мактабларида рус тили, рус мактабларида эса ўзбек тили ўқитилиши пухта олиб борилаяпти.

Шаҳримизнинг Киров районидаги 97-мактабда рус тили билан бирга ўзбек тили дарслари мазмунли ва қизиқарли ўтмоқда. Шуниси диққатга сазоворки, мазкур илм масканида ҳар бир машғулот кўргазмали ўқув қуроллари билан жонли олиб борилади.

✦ СУРАТДА: мактабнинг 3-Б синфида ўзбек тилидан дарс ўтказилмоқда.

М. Назаров фотоси.

Бизнинг интернационалчи-жангчиларимиз

ЖАСУР ЙИГИТ

АБДУРОЗИҚ технология техникумида ўқиб юрган чоғида, 1985 йил апрель ойида Тошкент шаҳар Куйбишев районининг ҳарбий комиссариати томонидан хизматга чақирилди. Ўқув муддатидан кейин у қўшни Афғонистонга хизматни давом эттириш учун жўнатилди. У командирларининг берган ҳар бир топшириқларини аъло даражада бажара бошлади. Шунинг учун ҳам бўлинма командири катта лейтенант Костин Абдурозиқни ўз укасидек яхши кўрар, шу боис кўп ўтмай уни бўлим командири этиб тайинлади. Ҳар куни у ўзига белгиланган солдатлари билан зўр бериб навбатдаги жанговар топшириқларни бажаришга тайёргарлик кўрарди. Шом пайтлари эса ишонч билдириб қомандирлари уни разведкага, қишлоқларга жўнатишарди. Бўлинма командирлари ҳаммага ҳам бунчалик ишонч билдиришмасди. Кўп ўтмай гвардия сержанти А. Самадов бўлинма командирининг ўринбосари этиб тайинланди. Унинг ихтиёрига жанговар машина берилди.

— Бир куни эрталаб бўлинмада машқ бўлаётган эди, — деб эслайди Абдурозиқ. — Пандшер водийсида қуршовда қолган солдатларни қутқариш кераклиги ҳақида хабар келди. Биз бутун бўлинмамиз билан у ёққа қараб йўл олдик. Мен билан бирга яна етти киши БТР машинасида эдик. Юртдошим, хизматдошим Шавкат Мамадалиев ҳам бор эди. Душманлар тепаликда жойлашиб бизга ўқ ёғдиришар, ана шу дақиқада ҳаттоки уларнинг қаерда турганликларини билиб бўлмас эди. Бир пайт 100 га яқин душманнинг машинамиз томонга қараб келаётганликларига кўзимиз тушди.

Душманлар бизни тириклайин қўлга тушириш нияти билан ҳаракат қиларди. Бизлар ҳам бўш келмай пулемётлардан кетма-кет ўқ узамиз, ўқ ёғдирганимиз сари душманлар томонидан келаётган ажал ёғдулари камаяётгандек туюларди. Жанг авжига чиқди... Шу пайт қарши тарафдан келаётганлардан биттаси менга таниш-дек туюлди. «Наҳотки лейтенант бўлса» деб ҳайқириб юбордим. Ҳақиқатан ҳам у бўлинма командирмиз қатта лейтенант Костин эди. Лекин қувончимиз узоққа чўзилмади. Машинамизга снайпер ўқларидан бири келиб тегди-ю, портлаш юз берди. Ўзим ҳам яраландим, юртдош дўстим Шавкат Мамадалиев эса ҳалок бўлди.

Кўзимни очиб қарасам, бўлинма командиримиз Костин бошим устида турарди. Кейин мени Тошкентдаги госпиталга жўнатишди, Шавкат эса ўлимидан сўнг Қизил юлдуз ордени билан мукофотланди...

1987 йил Абдурозиқ СССР Олий Совети Президиумининг Фармонига биноан Қизил юлдуз ордени билан тақдирланди. У госпиталдан чиққач, она-Ватанига қайтди.

Ҳозир Абдурозиқ Тошкент технология техникумининг охирги курсида ўқимоқда.

Агар Куйбишев район ҳарбий комиссариатига кирсангиз, у ерда Абдурозиқнинг суратига кўзингиз тушади. Бўлажак техник-технолог собиқ интернационалчи-жангчи Абдурозиқ Самадовнинг чеҳрасига боқсангиз ҳаёти ана шундай жангларда кечганини, ёш бўлишига қарамай, қанчадан-қанча қийинчиликларни кўрганини англаш мумкин. Буни кўксидаги нишонларидан ҳам илғаш қийин эмас.

Ортиқ МАХМАЮСУПОВ.

Сайёҳ саргузаштлари

«Жаннат ороллари»даги ажойиботлар

Афсонавий муқаддас жой— жаннат борми?.. Агар бўлса, қаерда?..

X асрда Фарғона водийсига келган бир араб сайёҳи мафтункор ўлканинг ёқимли табиати, зилол сувлари, сўлим ором-гоҳлари, асалдай ширин меваларидан баҳраманд бўлиб, ўз юрти — жазирама Арабистонга қайтгач: «Мен жаннатни ўз кўзим билан кўриб келдим», деган.

Шарқда ажиб табиатли ўлка — Шри Ланкани «жаннат» деб таърифлайдилар. Ривоятларга кўра, Одам Ато билан Момо Ҳаво — «Тангрининг марҳаматига сазовор бўлган» орол — Шри Ланкада яшаган эмишлар. Улар ман этилган мевани истеъмол этганликлари сабабли Сарандиб (Шри Ланка)ни тарк этиб, Одам Ато кўприги (Ҳиндистон билан Шри Ланка оролини бир-бирига туташтириб турувчи қуруқлик қолдиғи шундай деб аталади) орқали Ҳиндистонга ўтишга мажбур бўлган эмишлар...

Ҳинд океанининг ғарбий қисмида, Экватор яқинида бир юз битта оролда Сейшал ороллари республикаси жойлашган. Бу ороллларнинг табиати жуда ажойиб ва ўзига хос. Қуёш нурида хилма хил рангда товланиб, чайқалиб турувчи океан қуршови, афсонавий манзараларни эслатувчи қояли қирғоқлар, булут билан қуршалган тоғ чўққилари, ёқимли иқлим, доимий яшил ўрмонлар, елпиғичсимон сейшал пальмалари ва уларнинг ажойиб, сеҳрли мевалари бу диёрни «Жаннат ороллари» деб аталишига сабабчи бўлган.

1881 йилда Англия офицери Ч. Гордон мазкур оролга келиб, «Бу манзил ҳақиқий жаннат, бу диёрда Одам Ато билан Момо Ҳаво яшаган. Ер курраси-дагги инсон зурриёти худди шу ороллардан тарқалган», деган фикрга келган. Ерлик халқлар орасида Одам Ато билан Момо Ҳаво сейшал пальмасининг ҳар бири бир—бир ярим пуд келадиган меваси — норжил ёнғоғидан истеъмол қилганликлари учун «Жаннат ороллари»ни тарк этишга мажбур бўлганлар, деган ривоят ҳам бор.

Сейшал пальмасининг меваси улкан ёнғоқ ва бу ороллларда яшовчи улкан тошбақа республиканинг давлат рамзига айланган. Сейшал республикаси гербида елпиғичсимон норжил пальмаси ва улкан тошбақа ўз ифодасини топган.

Елпиғичсимон норғил пальмаси ҳақида ўтмишда жуда кўп ривоятлар вужудга келган, дунё миқёсидаги шовшувга сабабчи бўлган. Ҳинд океанидан кемада сузиб ўтувчи савдогарлар, сувда қалқиб юрувчи ноёб ёнғоққа дуч келадилар. Улкан ёнғоқни тутиб оладилар. Улкан ёнғоқ ўз соҳибига жуда катта фойда ва ажиб бахт «келтиради».

Ғайри табиий шаклдаги улкан ёнғоқ, сувда қалқиб денгиз оқими ёрдамида Ҳиндистон соҳилларигача сузиб боради. Ҳиндистон ва Малайя архипелагида бу сирли ёнғоқ ҳақида ҳар хил ривоятлар тарқалади. Ўрта асрларда бу ёнғоқ «саккизинчи мўъжиза» деб атала бошланади. Улкан ёнғоқнинг шифобахш қудрати ҳақида тиббий асарлар вужудга келди: «Муқаддас ёнғоқ» мағзини истеъмол қилган киши ёшаради, уларнинг эркаклик қудрати ривожланиб кетади», деган гаплар тарқалади.

Сирли ва мўъжизали ёнғоқнинг нархи ақл бовар қилмайдиган даражада қимматлашиб кетади. Савдогарлардан бири бир дона ёнғоқни 5 минг фунтга сотиб олган, бир савдогар катта савдо кемасини ичидаги моллари билан бир дона ёнғоққа алмашган. Муқаддас Рим империясининг императори Рудольф II (1552 — 1612 йиллар), Голландия адмиралининг вориси В. Хермассендан бир дона ёнғоқни минг олтин тангага сотиб олганлиги маълум.

Бу афсонавий ёнғоқ ҳақидаги дастлабки хабарни европаликлар Ф. Магелланнинг дунё айланаси бўйлаб саёҳатида иштирок этган А. Пигафеттадан эшитганлар. 1634 йилда Голландиянинг Амстердам шаҳрида, сирли ёнғоқ меваси билан ўнлаб касалликларни даволаш усуллари ҳақида китоб нашр этилади. Немис ботаниги Г. Румф (1627—1702 йиллар) Малайя архипелаги ўсимликлари ҳақидаги 6 томли китобида сирли ёнғоқ меваси ҳақида маълумот беради.

1743 йилда бу ороллларни французлар босиб оладилар. Франция қироллигига қарашли бу ороллар 1756 йил 1 ноябридан бошлаб, молия министри М. Сейшал шарафига унинг номи билан «Сейшал ороллари» деб юритила бошланган. Сейшал ороллари номи шу тариқа вужудга келган.

1794 йилда Сейшал ороллларини инглизлар босиб оладилар. Сейшал республикаси пойтахти Виктория шаҳрининг марказий чорраҳасида икки метрлик тош тагликка Англия Қироличаси Викториянинг ҳайкали ўрнатилган.

Сейшал ороллари Ер шарининг энг гўзал, кўркам жойларидан бири. Иқлими жуда ёқимли, йил бўйи ёз, орол фуқаролари йил фасллари нималигини билмайдилар. Ҳаво ҳарорати 20 даража иссиқдан пасаймайди, 34—35 даражадан кўтарилмайди. Йил бўйи майин, кишига ором бахш этадиган шабада эсиб туради.

Сейшал ороллларидаги энг ноёб ўсимлик сейшал пальмасидир. Бу пальма «Коко-демер» (яъни елпиғичсимон) деб аталади. Пальма ёнғоғи дунёда энг катта мева ҳисобланади. Улар фақат Праслен ороли-дагина ўсадилар. Пальма ёнғоғи қўшалоқ бўлиб, пўсти билан юракнинг шаклини эслатади. Ёнғоқнинг оғирлиги ўртача 20—25 килограмм бўлиб, айрим ҳолларда бир дона ёнғоқнинг оғирлиги 30—35 килограммгача бориши мумкин. Ёнғоқнинг кўндаланг кесими — 35—40 сантиметр, узунлиги эса 50—55 сантиметр келади.

Сейшал пальмаси дарахтининг баландлиги 25-30 метр, диаметри эса 30-35 сантиметрга боради. Елпиғичсимон баргларининг узунлиги 3-4 метр, эни эса 2,5 -3 метр. Дарахт 25-30 ёшга етганда ҳосилга киради. Меваси — ёнғоғи 8-10 йилда пишиб етилади. Ёнғоқ ранги кўкимтир — зайтун рангда.

Ёнғоқнинг 3-4 таси бирга ғуж бўлиб етишади. Бир ғуж ёнғоқнинг оғирлиги 120 граммдан ортади. Сейшал пальмаси 100 ёшда балоғатга етади ва 700-900 йил ўсиб туради. Ҳозир ҳам ҳар бир туп пальма 1000 фунт стерлинг баҳоланади.

Сейшал пальмазорлари муҳофаза остига олинган, Праслен ороли эса қўриқ деб эълон этилган.

Жаннат ороллари йилига тахминан 500 дона улкан ёнғоқ пишиб етилади. Бу ноёб ёнғоқнинг ишқибозлари оз эмас. Унинг мағзи ҳозирда ҳам қўзғатувчи восита тарзида истеъмол этилади, қадрланади, сайқал берилган пўчоғи эса энг қимматбаҳо ва ноёб эсдалик ҳисобланади. Жаҳон бозоридаги бир дона ёнғоқнинг ҳозирги баҳоси 100-130 доллар.

Сейшал ороллари Ер курраси-дагги энг улкан тошбақалар яшайди. Улкан тошбақалар энг қадимги мавжудотлардан бири бўлиб, сайёрамизда фақат икки жойда: Сейшал ороллари билан жанубий Америкадаги Галапагос оролларидагина сақланиб қолган.

Улкан тошбақаларнинг вазни 300-400 килограммгача етиши мумкин. Тошбақалар шунчалик каттаки, уларнинг косаси устига кўрпача ёзиб, бемалол чордана қуриб ўтириш мумкин. Тошбақалар косасининг узунлиги бир ярим метрга боради. Унинг гўшти ва тухуми тансиқ овқат ҳисобланади, ёғи эса жуда қадрланади.

XVI асрдан бошлаб Ҳинд океанидан ўтувчи европалик мустамлакачилар, савдо кемалари тошбақаларни оммавий равишда нобуд қила бошлаганлар. Денгиз флоти хизматчилари ва солдатларни текин ва тансиқ гўшт билан таъминлаб турган. Одатда кемалардаги озиқ-овқатлар муайян вақтдан кейин айниб, истеъмол қилишга яроқсиз бўлиб қолганда тошбақа гўшти уларга асқотган. Кейинчалик кемаларга юзлаб тошбақаларни ортиб, тириклигича дунё бозорида сота бошлаганлар.

Тошбақалар жуда бардошли мавжудот бўлганликлари учун, узоқ вақтгача озуқасиз ва сувсиз ҳаёт кечира оладилар. Бу «жонли консерва»лар уддабурон кишиларга катта даромад келтирган.

Сейшал оролларидаги улкан тошбақаларнинг омон қолишига машҳур табиатшунос Чарльз Дарвин сабабчи бўлган. XIX асрда улкан тошбақалар яшайдиган Алдабра оролидаги ўрмонларни кесиш ҳақида қарор қабул қилинади. Ўрмонларнинг кесиб олиниши тошбақаларнинг қирилиб кетишига сабабчи бўлиши мумкин эди. Буни эшитган Ч. Дарвин 1874 йилда улкан тошбақаларни сақлаб қолиш катта илмий аҳамиятга эгалигини уқдириб, орол губернаторига мактуб йўллайди. Мактуб инобатга олиниб тошбақалар яшайдиган ороллдаги ўрмонлар, бинобарин тошбақалар омон қолган.

Улкан тошбақалар Сейшал ороллари республикаси жанубидаги Алдабра номли оролда яшайдилар. Алдабра араб тилидан келиб чиққан бўлиб, «Ҳалқа» (оролнинг пландаги кўриниши ҳалқага ўхшайди) деган маънони билдиради. Тошбақалар ўтлар, сув ўтлари ва дарахтларнинг барг ва новдалари билан озиқланадилар. Асосан эрта билан ва кечқурун ўтлайдилар. Кундузи дарахтларнинг соясида дам оладилар. Улар сувда яхши сузадилар, қирғоқдан бир-икки километргача бориб келадилар. Тошбақалар тухумдан кўпаяди. Улар 25 ёшгача ўсадилар, кейин ўсишдан тўхтайдилар. Улкан тошбақалар 200 йилча яшайди.

Алдабра ороли атрофидаги сувларда улкан сув тошбақалари яшайди. Улар фақат тухум қўйиш учунгина қуруқликка чиқадилар.

Ортиқ МУМИНОВ,
профессор.

Буни умр савдоси дейдилар

3. Ота-онанинг келин ва куёвга муносабати

Фарзандлар оила қуришдек бахтга муяссар бўлар эканлар, шубҳасиз бу уларнинг ота-оналари учун қувончли воқеадир. Шу кундан эътиборан улар қайнана-қайната бўладилар. Оилавий муносабатлар маж-муасида қайнана-қайнатанинг келин ва куёвга муносабати ғоят мураккаб ва нозик туйғулар билан боғлиқ.

Келин тушган хонадон янада файзлироқ бўлиб кетади. Эрта тонгдаёқ ҳовли-жойлар супуриб-сидирилган, чой тайёрланган. Қайнана-қайнатага таъзим билан салом берилиши. Булар феодализмнинг патриархал ҳукмронлиги белгилари эмас, балки халқ характери, удум ва одатлари билан боғлиқ латофатли урфдир.

Чақалоқ тарбиядаги барча қусурлардан ҳоли туғилгани каби, қайнана-қайната билан келин-куёв муносабатлари ҳам дастлабки кунларда пок ва самимий туйғуларга асосланган бўлади. Гап ана шу самимиятни умр бўйи сақлаб қолишда. Афсуски, ҳаётда у ёки бу сабабларга кўра муносабатларнинг дарз кетиш ҳоллари рўй беради. Баъзи ҳолларда бунга келиннинг рўзғор ишларига тайёр эмаслиги, уқувсизлиги, куёвнинг калондимоғлиги сабаб бўлса, аксарият пайтда қайнананинг инжиқлиги, келинига ўз қизидек муносабатда бўлмаслиги, куёви эса қудаларининг фарзанди эканига етарли эътибор бермаслиги сабаб бўлади.

Қуйида кундалик ҳаётимизда учраши мумкин бўлган икки воқеани кузатайлик.

Қарс икки қўлдан чиқади. Қачон тенглик қонуни бузилса, ўртадан тинчлик, ҳузур-ҳаловат кетади. Бир-бирига оқибатсиз оилага тушиб, орзу-умидлари топталган келин шундай ҳикоя қилади:

«...Ўқимишли оилага келин бўлдим. Қайнатам, қайнанам ҳам оқ-қорани таниган, замонавий кишилар эди. Ўртоғим, қайнсингилларим институтни битиришган, ҳаммалари ишлашарди. Эрталаб барвақтроқ туриб, нонуштага бирор иссиқ овқат тайёрлашга уринаман. Ўй-ҳовлиларга қараб чиқаман. Дастурхон ёзиб, ҳаммаларини чойга таклиф этаман. Столни йиғиштираману, ишга чопаман. Қайтиб кечки овқатга ун-найман. Нима иш қилсам ҳам ўз ойижонимнинг режаларини эслайман, ойим ғоят режали иш тутардилар. Яхшиям ишга солиб ўргатган эканлар. Бўлмаса, қийналардим, яна гап-сўзга қолардим.

Тутган ишим қайнатамга ёқарди, шунинг учун: «Барака топинг, кам бўлманг», — деб кўнглимни тоғ қилардилар. Меҳрим ҳам уларга кўпроқ тушганди.

Қайнанам анча қийиқ, унча-мунча одамнинг ишини ёқтиравермасди. Нима иш қилсам, ёнимда разм солиб турарди. Қараб турганларини сезардиму, негадир қилар ишимни билмай қолардим. Шунда, ё қўлимдан бир нарсани тушириб юборардим, ё бўлмаса ишим унмай диққат бўлардим. Ўз ҳолимга қўймай, ҳадеб камситар эдилар. Шундай бўлгандан кейин, билганингни ҳам унутиб қўяр экансан. Бир ишга тутинсанг, қўлинг бормай, зириллаб турасан. Қўйингчи, овқатдан ҳар бир камчилик топиб, кўнгилни хижил қилишади: «Ё суюқ, ё қуюқ, ё шўр, ё тузи паст» деб ранжишарди.

Аввалига уялдим, кечирим сўраган вақтларим ҳам бўлди. Кейинги сафар огоҳроқ бўлишга тиришдим. Барибир бўлмасди, яна бир нарсадан айб топиб туришарди. Ўйлаб ҳайрон бўламан. Уйда ҳам шу овқатларни қилганман. Бувимнинг сўзларини эслайман: «Боламнинг қўли шакар, овқати бирам мазали бўлибдики, ичиб танам яйрайди...». Бу мақтовлардан эриб кетардим. Эртасига, индинига ҳам овқат қилгим келиб турарди. Ҳозир нега бундай? Ўйлаб қисинаман.

Яна қайнанам икки гапнинг бирида: «Ўғлимга муносибмассан», деб камситиб турса, қилган ишимни ёқтирмай руҳимни чўктирса қандай қилиб кўнглим исисин уйга?

Қайнсингилларимдан ҳам хафа бўламан. Ёш бола бўла туриб бундай эгилишни билишмайди, одамга ачинишмайди. Тиллари узун, бирам аччиқки, жон-жонингдан ўтиб кетади. Ахир эрта-индин ўзлари ҳам келин бўлишадиган...

Алам жуда ўтган пайтлари турмуш ўртоғимга гапириб йиғлардим. Мени юпатиш, далда бериш қаёқда, унинг ўрнига қўполлик қилиб баттар дилимни оғритарди. Эркак-эркакдай бўлса, ўз ақли билан иш тутиб, ҳар икки томонга муносиб илиқ сўз топса, кўнглинг исиб муҳаббатингга муҳаббат қўшилади-ку.

Лекин сени тушунмаган одам билан ўтган умр зое экан. Ўзингга-ўзинг «Ким учун шу уйда яшаяпсан?» деб савол берасан.

Борди-келди гаплар ўртага совуқлик тушираверди. Энди ойимларни гуноҳкор қила бошлашди. Уйга фақат икки-уч ойда бир боришимни шарт ҳам қилиб қўйишди. Бунисига чидай олмадим.

Онам бечоранинг гуноҳи нима? Қиз боқканими? Ўқитиб, олий маълумотли қилганими? Ўша уйда тинчигин, деб насиҳат берганими?

Она ҳеч қачон қизининг бахтсиз бўлишини истамайди. Хўрлансангиз, албатта ташлаб қўймайди. Ичида бахтсизлигига куйсада бағрига олиб, дардига малҳам бўлади.

Қайнатам ҳам бора-бора уйдагиларнинг гапини маъқуллайдиган бўлди. Мен бу уйда ёлғиз эдим. Хуллас, қўлимдан келганича уларни ҳурматлашга, шу уйда муросаю-мадора қилиб кетишга кўп тиришдим. Ҳар қанча оғирликка кўндим. Бўлмади, хўрлик ўтди. Ҳозир ота-онамникидаман. Яқинда она бўлишимни ўйлаб, тақдиримга куяман. Боланинг келажаги нима бўлади? Ота-онамга ҳам ачинаман. Ҳар куни қош-қовоғимга қарашиб, хуноб бўлишяпти...».

Хўш, кўнгилсиз воқеанинг сабаби нимада? Бунда кўпроқ оила бошлиғи бўлмиш қайнанани айблаш керак бўлади. Уйида бўйига етган қизлари бўла туриб, ҳаммаюмушни келин устига юклаш инсофданми? Нечук ота-она ўз қизига ачинади-ю, келинга раҳмсиз бўлади. Келин ҳам фарзанд-ку!

Бўлар-бўлмасга айблаш, бегуноҳ қудаларга ҳурматсизлик яхшиликка олиб бормайди. Ўйламасдан ёмонлаб юбориш, қаттиқ гаплар фақат ўртадаги ҳурматни кўтаради, кўнгилни қолдиради: «Ўтирса-ўпоқ, турса-сўпоқ» дейишса қандай қилиб уйга меҳр қўйсин келин.

Қайнсингилнинг келинойисига меҳрибон, яқин бўлгани қандай яхши! Яхши она қўлида тарбия топган қиз янгасига жуда меҳрибон бўлади. Ўзи ҳам ундан кўп нарсаларни билиб, ўрганиб олади. Қиз боланинг яхши номини чиқарадиган, ҳамиша кунига ярайдиган киши келинойидир. Онадек меҳрибон янгани ҳурматлаш ҳар бир ҳаёли қизнинг бурчи.

Уйнинг катталари фарзандларига сўзи ўтадиган бўлиши керак. Қайси томон ноҳақ бўлганда қайириб, йўлга сола билиши лозим.

Фарзандга ота-онадан яқин, меҳрибон киши борми? Бир оз кўрмасанг соғинасан, юрагинг узилиб у томон учишга тайёр турасан. Улар ҳам йўлингизга нигорон бўлишади. Ота-онани вақтида кўриш, ҳол-аҳвол сўраш ҳар бир фарзанднинг бурчи. Келин ҳам бировнинг боласи. Ота-онани ўн-ўн беш кунда бориб кўргани учун келинни гуноҳкор қилиш одамгарчиликдан эмас. Эти тирноқдан ажратиб бўладими?

Шундай қилиб, ёш оиланинг бузилиб кетишига қайнана-қайнатанинг худбинлиги сабаб бўлди.

Иккинчи мисол. Қизи келин бўлиб тушган оила кўп фарзандли бўлиб, ёш келинкуёв чоғгина хонада туришарди. Қизга совға қилинган гарнитур сиғмаганидан тўйдан кейин ҳам очилмади. Бундан кўнгли тўлмаган қизнинг ота-оналари куёвни чақириб олиб ўз уйларига кўчиб келишни, жуда бўлмаганда ижарага жой топиб мустақил яшашни талаб этишди. Куёв оиладаги бош фарзанд бўлиб, ота-онаси не-не орзу-умид билан келин кўрганини, улар олдида ҳеч бўлмаганда битта фарзандлик бўлишгунча яшашлари кераклигини тушунтирди. Қолаверса иш жойидан уй учун навбати борлигини ҳам айтди. Лекин қайнана-қайната бунга қўймай, ўз айтганларида туриб олишди. Кенг ҳовлида ўйнаб-кулиб юрган қизимиз қафасга тушгандек яшашига йўл қўймаймиз, дейишди. Аввалига қизлари турмуш ўртоғини қувватласа-да, кейин-кейин ота-онасининг таъсирида у ҳам «бу уйдан чиқиб кетамиз»га тушиб олди. Қайнана-қайната қудалар куёвлари учун ота-она эканини, куёвларининг фарзандлик бурчлари ҳам борлиги билан ҳисоблашмадилар. Куёв бўлмиш эса ўзи ва ота-онасига нисбатан бўлган ҳурматсизликни кўтара олмади. Оила бузилди.

Юқорида кўрилган ҳар икки воқеада ҳам рўй берган кўнгилсизлик қайнана-қайналар сабабчи. Улар келин-куёвни қўллаб-қувватлаш, маънавий мадад бериш ўрнига, гўё уларга жонлари ачиган бўлиб, ғамхўрлик кўрсатаман деб тузатиб бўлмас хатога йўл қўйдилар. Ёшлар ҳаётига ўринсиз аралашув, шу тариқа уларнинг бахтсизлигига олиб келди.

Келин бамисоли бир ниҳол. Уни авайлаб, парваришлаб ўстирилса меваларидан баҳраманд бўлиш мумкин. Бунинг учун унга нисбатан ўз фарзандига каби муносабатда бўлиш, билганини мақтаб, билмаганини бафуржа ётиғи билан ўргатиш лозим.

Куёв ҳам ўғил. Унинг мустақил оилавий турмушига ёрдам бериш, лекин зинҳор беҳуда аралашавермаслик зарур.

Қайнана-қайната келин ва куёвнинг ижобий хислатларини рағбатлантирсалар, фақат лозим бўлган чоғдагина маслаҳат ва амалий ёрдамларини аямасалар, ёш оилаларнинг мустақил илдиз отишига ҳисса қўшган бўладилар.

Ойшахон ТУРАЕВА,
Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг ўқитувчиси, педагогика фанлари кандидати, доцент.

Тошкент қурилиши.

С. Михайлов фотоси.

Завқ. С. Михайлов фотоси.

Билиб қўйган яхши

Уй аптечкаси

✦ Юрак-қон томирлари системалари касалликлари ҳуруж қилганда қўлланиладиган дори-дармонлар.

Валидол таблеткаси, капсуласи, томчилари — стенокардия, невроз, истерия белгилари намоён бўлганда 1 та таблетка ёки капсулани тил тагига ташлаб шимилади, агарда томчи ҳолдагиси бўлса, қанднинг кичик бўлакчасига 4—5 томчи томизилиб, тил остига ташланади. Валидол, бундан ташқари кўнгил айниганда ичиш учун ҳам тавсия этилади.

Нитроглицерин таблеткаси, капсуласи, томчилари. Бу препаратнинг қўлланиш усули валидолга ўхшаш, яъни тил остига ташлаб шимилади. Стенокардия, миокард инфаркти касалликлари хуруж қилганда ишлатилади.

Валокардин, корвалол, кардиовален, кордиамин, Зеленин томчилари. Бу дорилар юрак ўйнаганда, санчиб оғриганда, асабийлашганда 10—20 томчидан 3—4 маҳал ичилади.

Валерянька томчилари ва таблеткалари. Бу дори ҳам ҳозир айтиб ўтилган касаллик белгилари вужудга келганда, шунингдек, киши асабийлашганда ва уйқусизликда (асабни тинчлантириш учун) ишлатилади.

✦ Қон босими кўтарилганда қўлланиш учун уй аптечкасида қуйидаги дорилардан бўлиши керак: амазол таблеткаси, апрессин таблеткаси, дибазол таблеткаси, раунатин (раувазан деб ҳам аталади) таблеткаси ва шу кабилар. Гипертония ҳуруж қилганда шулардан бирорта сини ишлатиш керак.

✦ Жигар, буйрак, овқат ҳазм қилиш системаси органлари касалликларида қўлланиладиган дорилар.

Папаверин гидрохлориди, бесалол, бекарбон таблеткалари қорин бўшлиғида қаттиқ оғриқ пайдо бўлганда ишлатилади.

Аллохол таблеткаси ўт ҳайдашда яхши натижа беради.

Ацедин-пепсин таблеткаси ошқозон ширасининг кислотаси етмаганда, 1 таблеткани 100 грамм сувда эритиб, овқат пайтида ёки овқатдан кейин ичилади.

Бекарбон, магний оксиди, Аллмагель дорилари эса аксинча кислоталик ошиб кетганда ишлатилади.

Аэрон, ялпиз таблеткалари, валидол таблеткасини кўнгил айниганда ичиш тавсия қилинади.

Ични суриш учун уй аптечкасида Карловар тузи, магний сульфати, пурген (фенолфталеин), изафенин таблеткаларидан бўлиши керак.

Уротропин, Уросл, Уробесал таблеткалари буйрак оғриганда истеъмол қилинади.

✦ Грипп бўлганда, шамоллаганда, йўталганда ишлатиладиган дори воситалари.

Аввало бу группага 4-группага киритилган дориларнинг деярли ҳаммаси киради. Бундан ташқари яна қуйидагиларни тавсия этиш мумкин:

Кальцекс таблеткаси шамоллаганда ва грипп бўлганда яхши фойда беради.

Горчичниклар (хантал қоғози) турли шамоллашларда энг яхши воситадир, шунингдек, банкалар ҳам. Йўтал таблеткалари (термоксис гиёҳи ва содадан тайёрланган), пектусин, терпингидрат таблеткалари, новшадил анис томчиси, пертусин суюқлиги — булар йўталганда қўлланиладиган воситалар.

Камфора спирти, камфора мойи, скипидар малҳами — бу моддалар компресс қўйишда, курак ва кўкрак қафасига суртиш учун ишлатилади.

Оксолин 0,25 процент ва боро-ментол малҳамлари грипп бўлганда ва унинг олдини олиш учун бурун ичига суртилади.

✦ Нафас сиққанда (бўғилганда) ишлатиладиган дорилар.

Теофедрин таблеткаси, Антастман таблеткаси, Солутан томчиси, новодрин аэрозоли, эуфиллин таблеткаси ва бошқалар.

✦ Кўз, қулоқ, бурун ва тиш томчилари. Альбуцид ёки сульфацилнатрийнинг 20 ва 30 процент эритмаси, Рух сульфати ва борат кислотадан заводда тайёрланган томчилар — булар кўз томчиларидир.

Борат кислотанинг 3 процент спиртли эритмаси, камфоранинг 10 процент мойли эритмаси — қулоққа томизилади. «Дента» эса тиш томчилари.

Санорин, галазолин, нафтизин — бурунга томизиладиган дорилар. Табиийки, бу томчилардан фойдаланиш учун алоҳида-алоҳида пипеткалар ҳам бўлиши зарур.

✦ Аптечкада, булардан ташқари яна қуйидаги воситалар бўлиши керак: активлаштирилган кўмир таблеткалари (заҳарланганда ёки қорин шишганида берилади). Аммиак (новшадил спиртнинг) ампулалари ёки флакондаги эритмаси — бу восита одамни ис урганда ёки бошқа бирор сабаб билан ҳушидан кетганда эритмабилан кичик бир бўлак пахтани ҳўллаб, бурунга 1—4 сантиметр яқиндан тутилади.

Медицина термометри, қайчи, грелка, спринцка, Эсмарх кружкаси ва шкаби беморларга муолажа қилиш воситалари ҳам бўлиши керак.

Уй аптечкаларида шунингдек, витамин препаратлар, шифобахш ўсимликлар, гўдакбоболаларга керакли воситалар ҳам бўлиши лозим.

Уй аптечкасини такомиллаштириш учун дорихоналарда «1-ёрдам аптечкаси» ва «Она ва бола» аптечкасини ҳосил қилиб, зарур бўладигандори группаларини жойлаштириш мумкин.

Уй аптечкасида сақлаш учун тавсия этилган дорилар ва дармонларнинг барчасидорихоналарда врач рецептисиз сотиладиган дорилардир. Демак, уй аптечкасида фақат ана шундай дорилар воситалари сақланади ва ишлатилади. Зиёр аптечкага врач тайинлаган ва касаллик тузалгандакейин ортиб қолган, кучли таъсирга эга бўлган дорилар дармонларни аралаштириш керак эмас.

Шотурсун УСМОНОВ,
Ҳасан РАСУЛОВ
доришунослар.

Лоқайд бўлмайлик

Тиқилинч автобусга олтмиш ёшлар чамасидаги аёл чиқиб келди. Унинг бир қўлида сетка, иккинчисида эса зилдек оғир хўжалик сумкаси бор эди. Мен ўрнимдан туриб жой бердим.

— Умрингдан барака топ, болам, — деди ая ўриндиққа жойлашиб ўтирар экан, — эрталабдан бери юравериб жуда чарчадим.

— Неваларингиз кўпми дейман-а? — сўрайман сеткада кўриниб турган ўйинчоқларга ишора қилиб.

— Шукур, бир-биридан ширин 11 неварам бор, — мамнун жилмайди у. — Қизим ўғил кўрган. Кеча туғруқхонадан олиб чиқдик. Қудам чилласи чиқмасдан бешик тўйини ўтказаман деяптилар. Қудамга, куёвимга, қизимга, неварамга, қўйингки ҳаммасига бир сидрадан сарпо қилмасам бўлмайди. Шунга эрталабдан ҳаракатдаман. Қидирганга яраша тузукроқ нарса йўқ магазинларда.

— Борини олаверингда, аяжон. Ўзингизни қийнаб нима қиласиз.

— Э-э, болагинам, сен шундай дейсан. Қилмасанг маҳалла-кўйдан ўзларкан киши. Ўтган йили катта қизим ўғил тўйи ўтказди. Топган-тутганимни шунга сарфладим. «Импортний» бўлмаса ҳозирги ёшлар назарига илишмайди.

«Бешёғоч» бекатида ая хайрлашиб, автобусдан тушиб қолди. Унинг ортидан қараб қолар эканман, беихтиёр хаёлга толдим.

Ота-она фарзандини бир парча этлигидан тарбиялаб еднрса, кийдирса, ўқитса-ю у онлари бўлганда ҳам ташвишдан қутулишмаса. Чорлар, чақирик, бешик тўйи ва бошқа маросимларда улар юқорида тилга олинган онахоннинг кўйига тушиб, сарпо қидириб юришади. Биз ёшлар эса эскилик ботқоғига ботиб, бундай воқеаларга лоқайд муносабатда бўлаяпмиз. Кексаларга серчиқим расм-русмларнинг кераксиз эканлигини тушунтириш вақти келмадимикан? Ортиқча харажатларга кетадиган маблағни дам олиш ва бахтли яшаш учун сарфласак яхши бўларди.

Ҳозир одамлар янгича фикрлашга, замонага хос яшашга интилишаяпти. Турмушимиз гўзал бўлиши учун ҳамма шароитлар яратиб берилаётган бир пайтда бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Шундай экан, жамиятимизга ёт бўлган, қолоқ урф-одатларга қарши курашни кучайтиришимиз лозим. Энг муҳими, атрофимизда содир бўлаётган воқеаларга бефарқ бўлмайлик, азизлар.

Лутфия ҒУЛОМОВА,
Республика илмий атеизм уйи ходими.

«УЗБЕККОНЦЕРТ»

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

17, 18, 19 ФЕВРАЛЬ СОАТ 19.30 ДА

«СЕВГИ ТАРОНАЛАРИ»

ҚАТНАШАДИЛАР:

лирик хонандалар: АБДУРАУФ ОЛИМОВ (Ленинобод), МАҲМУДЖОН АЗИМОВ, ҚОДИР МИРАШУРОВ, БАХТИЁР ХОЛХЎЖАЕВ;

I Бутуниттифоқ «Янги овозлар» эстрада конкурсининг лауреати

ЮЛДУЗ УСМОНОВА

РАҚҚОСАЛАР: Ўзбекистон ССР халқ артисти, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати

ҚИЗЛАРХОН ДЎСТМУҲАМЕДОВА

Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган артистлар: Зиёда МАДРАҲИМОВА, Ўғилой МУҲАМЕДОВА, Гулчеҳра ФОЗИЛЖОНОВА;

Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган артист, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати ОДИЛ КАМОЛХЎЖАЕВ.

ПРОГРАММАНИ ОЛИБ БОРАДИЛАР: IV аския ва қизиқчилар конкурсининг лауреати: ОБИД АСОМОВ ва БОТИР МУҲАМАДХЎЖАЕВ.

Постановкачи режиссёр — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотининг лауреати АБДУРАШИД РАҲИМОВ.

Билетлар соат 14.00 дан сотилади.

Тошкент Давлат циркида

ТОШКЕНТДА БИРИНЧИ МАРТА

жаҳонда ягона бўлган

«ДЕНГИЗ ҲАЙВОНЛАРИ» АТТРАКЦИОНИНИНГ

(денгиз шерлари, сивучлар)

ГАСТРОЛЛАРИ

Ҳайвон ўргатувчилар — Татьяна ва Василий ТИМЧЕНКО.

«ЦИРК АЙИҚЛАРИ» томошаси. Ҳайвон ўргатувчилар — Людмила ва Александр ГРЮКОВлар.

УССРда хизмат кўрсатган артист Виктор МАКСИМОВ раҳбарлигида «ЧЕРЕМОШ» акробатик ансамблининг чиқишлари.

Машҳур пароднячи-комик Валерий КОЛОБОВ.

Икки бўлимдан иборат катта ранг-баранг программа. Билетлар олдиндан сотилмоқда.

Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинади.

Қишлоқ жойлардан келган томошабинларга навбатдан ташқари хизмат кўрсатилади.

Томошалар — соат 19.30 да, шанба куни — соат 16, 19.00 да, якшанба куни — соат 12, 15, 18.00 да бошланади.

Касса дам олиш кунларисиз соат 10 дан 20.00 гача ишлайди.

Справкалар учун телефонлар: 44-35-91, 44-35-84, 44-28-04.

Ҳурматли пассажирлар!

2, 3, 8, 12, 18-автобус паркларининг 11э, 16, 43э, 116э, 67э, 85э, 40э, 64э, 31-автобус маршрутлари

ТАЖРИБА ТАРИҚАСИДА ИЖАРА ПУДРАТИГА ЎТКАЗИЛДИ

Мазкур автобусларда йўл ҳақи оралиқ бекатларда бевосита ҳайдовчининг ўзига нақд пул билан тўланади. Ижара маршрутларида абонемент билетлари ўтмайди. Барча проезд карточкалари амал қилади.

Имтиёзли йўл юриш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари ҳам сақланиб қолади.

Бу маршрутларнинг ишини яхшилаш учун йўлкирани ўз вақтида тўланг.

Справкалар учун телефон: 34-62-56.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ПАССАЖИР ТРАНСПОРТИ БОШҚАРМАСИ.

Реклама ва эълонлар

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 10/II да **Севгига севги билан.**

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 10/II да **Келинлар қўзғолони.**

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 10/II да **Шайтон ва муридлар.**

Кино

10 ФЕВРАЛДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «КИНГ-КОНГ ТИРИК» (катта зал, 18.30, 20.40; кичик зал 17, 19.30).

Чайка — «КИНГ-КОНГ ТИРИК» (18.30, 21.00).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «МЕНИНГ ИСМИМ АРЛЕКИНО» (18.30, 21.00).

Ватан — «ТЎРТ ОҒАЙНИ» (18.30, 20.45).

Искра — «МЕНИНГ ИСМИМ АРЛЕКИНО»(18.30, 20.45).

Москва — «КИНГ-КОНГ ТИРИК» (18.30, 20.40).

Лисунов номли — «ТЎРТ ОҒАЙНИ» (18.30, 21.00).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «АЖДАҲОНИ ЎЛДИРИНГ» (17, 20.00).

Тинчлик — «УЧ МУШКЕТЕР МИСОЛИ» (18.30, 21.00).

11 ФЕВРАЛДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «КИНГ-КОНГ ТИРИК» (катта зал, 11, 13.30, 16, 18.30, 20.40; кичик зал, 12, 14.30, 17, 19.30).

Чайка — «КИНГ-КОНГ ТИРИК» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «МЕНИНГ ИСМИМ АРЛЕКИНО» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

Ватан — «ТЎРТ ОҒАЙНИ» (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45).

Искра — «МЕНИНГ ИСМИМ АРЛЕКИНО» (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45).

Москва — «КИНГ-КОНГ ТИРИК» (11, 13.30, 16, 18.30, 20.40).

Лисунов номли — «ТЎРТ ОҒАЙНИ» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «АЖДАҲОНИ ЎЛДИРИНГ» (11, 14, 17, 20.00).

Тинчлик — «УЧ МУШКЕТЕР МИСОЛИ» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

АВТОМАТ ЖАВОБ БЕРУВЧИ ТЕЛЕФОНЛАР

К. Ёрматов номли — 24-22-66.
С. Раҳимов номли — 48-46-71.
Ўзбекистон ССР 25 йиллиги номли — 53-98-50.
Нукус — 46-70-69.
Ҳамза номли — 91-10-51.
М. Шайхзода номли — 42-39-74.

Кинотомошабинларга кино хизмати кўрсатиш маданиятини яхшилаш, юксалтириш билан боғлиқ таклиф ва истаклар юзасидан Тошкент шаҳар ижроия комитетининг Бош маданият бошқармасига 33-37-11 телефони бўйича қўнғироқ қилинсин.

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **«Денгиз ҳайвонлари» аттракционининг янги программаси** 10/II да (19.30 да).

Реклама ва эълонлар

«Полёт» аниқ вақтни кўрсатади

Европа, Осиё ва Америкадаги 30 мамлакатнинг харидорлари С. М. Киров номидаги Биринчи Москва соатсозлик заводи ишлаб чиқарган соатларни маъқул кўради.

«ПОЛЁТ» маркали соатларни энг кўп сотиб олувчи давлатлар Англия, Франция, ГФР, Канада, Гонконг ва барча социалистик мамлакатлар ҳисобланади.

ВАҚТНИ АНИҚ КЎРСАТУВЧИ «ПОЛЁТ» МАРКАЛИ КВАРЦЛИ СОАТЛАРГА БЕМАЛОЛ ИШОНСАНГИЗ БЎЛАВЕРАДИ.

Улар сизнинг ишбилармон, вақтнинг қадрига етувчи киши сифатидаги обрўйингизни оширади.

Вақтни рақамлар билан ёки ўзига хос белгилар билан кўрсатувчи, хромланган ёки тилла суви юритилган, ташқи кўриниши бир-биридан фарқ қилувчи «Полёт» қўл соатларидан истагаингизни харид қилинг.

С. М. КИРОВ НОМИДАГИ БИРИНЧИ МОСКВА СОАТСОЗЛИК ЗАВОДИ.

РУБИК КУБИКЧАЛАРИНИ СИЗ НЕЧА МИНУТДА ЙИҒАСИЗ?

Менинг шахсий рекордим—3 минут!

Рубик кубикчалари, «илонча», «минора», «кубикча», сеҳрли илонча жумбоқлари, зообильярд — болаларнинг зеҳнини оширувчи, мантиқий фикрлашга ўргатувчи, мураккаб масалани охиригача ечишга даъват этувчи соғлом қизиқиш фазилатини тарбияловчи ўйинчоқлардир.

САВДО ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Сиз харидорлар учун қизиқарли ва фойдали ана шундай ўйинчоқларни пештахталарга етказиб бериш имкониятига эгасиз.

Тошкент областлараро базасида юқорида айтиб ўтилган ўйинчоқлар етарли миқдорда бор.



Бундан ташқари базада деворга осиладиган, нархи 27, 28, 29 сўмлик «ЯНТАРЬ» соатлари; нархи 13 сўм 50 тийинлик кварцли «СЛАВА» будильниклари

МАВЖУД.

«УЗКУЛЬТТОРГ» ТОШКЕНТ ОБЛАСТЛАРАРО БАЗАСИ.

«СОЮЗРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ

Акс садо

Нон ва таомлар музейи ҳақида

«Тошкент оқшоми» газетасининг ўтган йил 18 ноябр сонида филология фанлари кандидати Нурмуҳаммад Аллиевнинг «Нон ва таомлар музейи» ташкил қилиш ҳақида фикрига қўшилса бўлади. Москвада шунга ўхшаш музей бор. Мен бу ҳақда «Тошкент оқшоми»нинг 1986 йил ноябр ойи сонларидан бирида батафсил ахборот берган эдим. Москвадаги музей жамоат овқатланиши музейи деб атала. Бу музейда жаҳонда ва Россияда таомлар ва жамоат овқатланиши тарихига доир қатор экспонатлар мавжудлиги, ғарб мамлакатларида таомлар пиширишга ҳақида ўрта асрларда нашр қилинган бирин-кетлар, Францияда қил зиёфати учун 200 дан ортиқ хилма-хил таомлар паради шкил қилингани, шарқ мамлатларида ва Россияда таомлар ресторанлар тарихи ҳақидфикр юритилган эди.

Республикамизда таомлар тарихи ва жамоат овқатланиши тарихи кам ўрганилган Фикримча, бўлажак янги мейнинг жамоат овқатланиши музейи, деб аталса мақсадга мофиқ бўлар эди. Москвада муй биносида фақат экспонатларгина эмас, балки лаззатли таомлар ошхонаси ҳам бор. Бу ҳолатни мулоҳаза қилиб мен шундай фикрга келдим: Мовадагига ўхшаган катта музей ташкил этиб, бунда нон ва таомлар тарихи, уларни лаззатли пишириш ва тежаш малакаларини экспонатлар орқали ёритиш учун катта бинолар керак. Бундай махсус бинолар ва маблағларимиз етарли эмас. Шу сабабли бу йўналишдаги биринчи қадам сифатида Октябрь бозорига туташган тарихий музейи яқинидан бир бинога «Нон музейи» ташкил қилиб, нонни тежаш масаласи кенг пропаганда қилинса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ҳикмат СОҒРОВ,
Тошкент халқ хўжалик институтининг профессори.

Спорт

ВОЛЕЙБОЛ

Тошкент политехника институтининг спорт залида волейбол бўйича мазкур спортчиларининг ветеранлари ўртасида шаҳар биринчилиги бўлиб ўтди. Мусобақада 8 та ветеранлар командаси иштирок этди. «Динамо-1» ветеранлар командаси биринчи, «Печатник» командаси иккинчи, шаҳарсозлик (УзНИИгорстрой) институти командаси учинчи бўлишди.

Фахрли ўринлар эгаси бўлган волейболчилар командасига шаҳар спорт комитетининг мукофотлари топширилди.

ШАҲАР БИРИНЧИЛИГИ

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механиклаштириш инженерлари институти спорт залида баскетбол бўйича эркаклар ўртасида ўтказилган шаҳар биринчилиги ҳоясига етди. Унда 7 та команда бир ҳафта давомида биринчилик учун курашдилар. Барча имкониятлардан тўла фойдаланган «Старт» клубини вакиллари биринчиликни ўзига киритдилар.

Физкультура институт вакиллари иккинчи, шаҳарсозлик (УзНИИгорстрой) институти вакиллари эса учинчи бўлишди. Ғолибларга шаҳар спорт комитетининг ёрлиқлари эсдалик мукофотлари топширилди.

Редактор ўринбосари С. Б. ЁҚУБ.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
Ўзбек ва рус тилларида мустақил равишда нашр этилади.

«Тошкент оқшоми»
(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Телефонлар: қабулхона — 32-53-76; бўлимлар: партия турмуши ва совет қурилиши — 32-57-84; экономика ва шаҳар хўжалиги — 32-54-19; социал проблемалар — 32-53-10; хатлар ва оммавий ишлар — 33-29-70; жамоатчилик редакцияси — 33-99-42, 32-53-66, 32.54.15; «Ташкентская неделя» рекламалар иловаси — 32-56-84; эълонлар — 33-81-42.

Якшанбадан ташқари, ҳар куни чиқади
Тиражи — 125.0(

Р. — 09564. Ички саҳифаларга 20.00 да қўл қўйилган. (График бўйича 17.00 да қўл қўйилиши лозим). Б. — 2017. Индекс 64690.